

ISSN 2181-9521

№ 7-son, 2019



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ИЛК

2019-2020 ўқув йили учун Судьялар олий мактаби магистратурасига илк қабул жараёнлари бошланди.



Бу йил жами 60 нафар талабгор Судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланган қабул квоталарига мувофиқ давлат грантлари асосида қабул қилинади. Номзод олий юридик маълумотга ва юридик ихтинослиги бўйича хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим.

Кириши имтиҳонлари жорий йилнинг 15 август кунидан 25 августа га қадар мутахассислик фанларидан (тест) ва чет тилидан (тест) синовлари ҳамда хуқуқий мавзууда ёзма иш (иншио) тарзида ўтказилади.




МАГИСТРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ



Магистратурага кириш синови умумий бали қүйидагилардан ташкил топади:

- талабгорлар мутахассислик бүйича тест топширишади (50 балл) ҳамда иништеше (50 балл). Мутахассислик бүйича умумий балл 100 ни ташкил этади.
- талабгорлар чет тили фани бүйича тест топширади (50 балл).

Миллий сертификат ёки халқаро сертификатнинг низомда белгиланган даражаларига эга бўлган талабгорларга чет тили фанидан синовларсиз максимал балл берилади.



Кириш синовлари ўтказиш жараёни видеотасвирга олинади. Бу имтиҳонларнинг шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида белгилаб қўйилган.

«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
хуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби

Хамкорлар
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ
Кенгаш раиси
Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДОРОВ
Акмал МУРОДОВ
Икром МУСЛИМОВ
Илҳом НАСРИЕВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Жамила ЭШОНҚУЛОВА

Саҳифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
1 февралда 0972-ракам билан
қайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Хар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал
лардан фойдаланилганда, манба кайд
этилиши керак.

Босишига 08.08.2019 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 27
Адади 2000

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-йй

МУНДАРИЖА

Масъулият мезонлари

6-бет

**Ҳалоллигимиз –
вatanга ва халқга
садиқлигимиз исботи**

Тадқиқот

10-бет

**Суд ҳокимияти
мустақиллигини
таъминлашнинг
хуқуқий асослари**

Муносабат

14-бет

**Иқтисодий судларда
прокурор иштироки**

Судья минбари


18-бет

**Солик низоларини
судгача ҳал қилиш:
миллий ва хорижий
тажриба**

Эксперт фикри

22-бет

**Суд тизимида
электрон
демократия**

<p>Қонун ва амалиёт  Халқаро тажриба</p> <p>26-бет</p> <p>Қонунийлик принципининг суд амалиётидаги аҳамияти</p>	<p>Ибраҳ  Тарсаки</p> <p>47-бет</p>
<p>Суд тизимида масофавий таълимнинг ўрни ва роли </p> <p>31-бет</p>	<p>Талқин  Алимент муносабатларида шахснинг мулкий аҳволи</p> <p>48-бет</p>
<p>Мутахассис муроҳазаси </p> <p>34-бет</p> <p>Ҳал қилув қарорлари саддалаштирилиши керак(ми?)</p>	<p>Важная тема  Некоторые вопросы противодействия коррупции в судебной системе Узбекистана</p> <p>52-бет</p>
<p>Менинг фикрим </p> <p>38-бет</p> <p>Мехнатга оид низоларда исботлаш воситалари: муаммо ва ечим</p>	<p>Процесс  Культура правосудия</p> <p>57-бет</p>
<p>Таҳлил </p> <p>44-бет</p> <p>Медиация: низога ўрин йўқ</p>	<p>Жизнь и закон  Особенности регулирования трансграничной несостоятельности в национальных правопорядках</p> <p>60-бет</p>



2019 йил 19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида судьялар ва суд ходимлари иштирокида суд тизимининг жорий йил биринчи ярим йиллик иш фаолияти якунлари ҳамда соҳада коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишга багишланган кенгайтирилган видеоселектор ишигилиши бўлиб ўтди. Унда маъруза қилган Судьялар олий кенгашининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоев соҳа ходимлари томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар кўпайиб бораётганлигини танқидий-таҳлил қилиб бунга йўл қўймаслик чораларини кўриш лозимлигига эътибор қаратди. Кўйида нотиқнинг ушбу маърузасини тўлалигича эътиборингизга тақдим қиласмиш.

ҲАЛОЛЛИГИМИЗ – ВАТАНГА ВА ХАЛҚА СОДИҚЛИГИМИЗ ИСБОТИ

Ассалому алайкум, хурматли судьялар! Қадрли суд тизими ходимлари!

Бугун барчамиз жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига доир суд тизимида амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб этиш ҳамда соҳада коррупцияга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаб олиш учун йигилдик.

Тахлиллар шуни кўрсатаяптики, сўнгги пайтларда судларда кўрилаётган ишлар сифат жиҳатидан қониқиши ҳосил қиласли даражада эмас. Юқори судлар томонидан қуий судларда кўриб чиқилган ишларнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳолатлари кўп учраётганлигинини сўзимиз исботи сифатида келтириб ўтиш мумкин. Айтиш лозим бўлса, бундай ҳолатларнинг салмоғи бизни куйинишга мажбур қиласмокда.

Шу ўринда нега биринчи, апелляция ва кассация инстанциясида иш кўрган судья ўз ваколат доирасида ишларни қонуний кўрмаяпти, бунинг сабаби нимада деган ҳақли бир савол туғилади. Эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган б ой мобайнида судьялар томонидан кўрилган ишлар ҳар томонлама тўла текширилиб, аникланган ҳақиқий ҳолатга қонуний баҳо бермаслик, жиноят ишлари бўйича ЖКнинг 57-моддасини нотўғри кўллаб енгил жазо тайинлаш, ЖКнинг 72-моддасини нотўғри кўллаб шартли жазо тайинлаш, кўшимча жазо тайинлаш қонунда

лозим бўлса-да уни тайнламаслик, етказилган зарар миқдорини асоссиз камайтириш ҳамда тақиқда бўлган мол-мulkни асоссиз равища рўйхатдан чиқариш, суд қарорларини ўз вақтида ижрога қаратмаслик ҳолатлари ариза ва шикоятлар оқимишнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундиришни асоссиз кечикириш ёки уни тўлашдан озод қилиш, тарафларга никоҳдан ажралиш ҳақида ярашиш учун мухлат бермаслик ёки муддатини асоссиз равища қисқартириш ҳолатлари, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини асоссиз равища янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиш, суд қарорларини ўз муддатида ижрога қаратмаслик, суд қарорлагига нисбатан берилган шикоятларни ҳаракатсиз қолдириш каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Иқтисодий ишлар бўйича неустойка суммаларини асоссиз равища камайтириш, зарарларни ундириш ишлари бўйича етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдорини аниқламаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Маъмурий ишлар бўйича ҳам шу каби хатолар билан чиқарилган қарорларнинг бекор бўлиши ва ўзгартирилиши кузатилмоқда.

Дикқатингизни айрим судьяларнинг хатти-харакати юзасидан фуқаролар юқори судга ва бошқа идораларга тинимсиз ариза ва шикоятлар юбораётганлигига қаратмоқчи-

ман. Шуни ҳам айтишим керакки, фуқаролар юқори судларнинг жавобларидан ҳам норозиликларини билдириб, чора кўриш учун Судьялар олий кенгашига мурожаат этмоқдалар.

Судьяларимиз томонидан йўл қўйилаётган бу каби камчиликларни кўриб ўйлаб қоласан киши...

Бундай асоссиз қабул қилинадиган қарролардан кўзланган мақсад нима? Ёки қандай омил борки, судья нотўғри қарор чиқараяпти? Бу судьяларнинг билимсизлигими? Тажрибасизликми? Бепарвонликми? Қонунга ҳурматсизликми ёки бўлмаса билиб туриб моддий манфаатдорлик эвазига ўз ваколатини сунистетьмол қилишми?

Илтимос, кўзингизни очинг, ақл билан иш тутиб конституциявий ваколатларингизни тоза, ҳалол амалга оширишда қатъиятли бўлинг, судьялик қасамёдига содик қолишини унутманг. Қасамёдга содик бўлмаган айрим судьяларимизнинг қилмиш-қидирмиши ҳақида эшитиб, кўриб турибсизлар, наҳотки тегишли хулоса чиқара олмасак?!

Муҳтарам Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги тарихий учрашуvdаги айтган гапларини наҳотки эсдан чиқарган бўлсак?! Мамлакат раҳбари қаерда, ким билан ва қайси соҳа вакиллари билан учрашмасинлар, “адолат ва яна бир бор адолат ҳамда ҳақиқат” деб қонун устуворлигини таъминлаш борасида куйиниб гапираётгандарини унутиб бўладими, ахир?

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 27 май куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида” Фармонида коррупция дейилган бу иллатга қарши кураш чора-тадбирларини яна бир бор кўрсатиб бердилар-ку. Шунингдек, жорий йилнинг 15 июнь куни Олий Мажлис Сенатида коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралароро комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши ўtkазилди. Сўзларимни бутун вужудингиз билан тинглашингизни илтимос қиласман.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, суд тизимида бу каби иллатларнинг мавжудлигини асло кечириб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари орқали эшитиб, кўриб турибсизлар, мамлакатимизда шу йил 6 ойда қанчалаб мансабдор шахслар, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жиноий жавобгарликка тортилганлиги очик-ойдин айтилди. Уларнинг деярли барчасига коррупция айлови кўйилган. Биз ҳам бу масалада, судьялар билан бир неча бор йиғилишиб гаплашдик, хатлар ёздик, лекин вазият ўнгланмаяпти.

Фурсатдан фойдаланиб ўтган 6 ойлик фаолият давомида судьяларимизнинг но мақбул хатти-ҳаракатлари юзасидан Кенгашда кўрилган масалалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсан. Қани айтингчи, бундай ҳолатларнинг бўлиши одил судлов нуфузига путур етказмайдими?

Ўтган 6 ой мобайнida Кенгаш томонидан 89 нафар судьяга нисбатан интизомий иш кўзғатилди ва чора кўриш учун тегишли малақа ҳайъатларига юборилди. 11 нафар судьянинг ваколати муддатидан олдин тугатилди. Ўрни келганда ўтказилган хизмат текшируларидан мисол келтириб ўтмоқчиман. 2 нафар судьяга нисбатан Бош прокурор томонидан жиноят иши кўзғатилганлиги сабабли тегишли тақдимномага асосан уларни жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилди, бирининг ваколати муддатидан олдин тугатилди, яна бирини жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилиб, ваколати тўхтатилди. Мана, июль ойининг бошида ҳам бир нафар судьяга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилди. 12 нафар судьянинг аризаси олинниб, муддатидан олдин вазифасидан озод этилди.

Бундай ноҳуш ҳолатларнинг содир бўлишига сабаб нима, айтинглар, барча шароитлар яратилган бўлса, яна нима қилиш керак? Судьяларнинг ойлик иш ҳақини яна ошириш ҳақидаги масала кун тартибида турибди. Ёки юқори суд органлари ходимлари ва Кенгаш ходимлари томонидан сиз судьяларга бирон бир тарзда таъсир ўтказиб, нотўғри иш тувишни талаб қилиш ҳолатлари борми? Агар шундай фактлар бўлса, кўрқмасдан Кенгашга билдиринглар, биз ўз ваколатимиз доирасида бундай ҳолатларни бартараф қилиш чораларини кўрамиз.

Хурматли касбдошлар!

Азиз ёшлар, фарзандларим!

Коррупция деган балога қарши курашда зарурый чораларни кўриш билан бир қаторда, айrim қонун нормаларини тарғибот қилишини ҳам таклиф этаман.



Порахўрликнинг олдини олишда қонунларимизда кўрсатилган талаб ва чораларни очиқ-ойдин жамоатчилик назоратига чиқарайлик демоқчиман.

Фуқаролар ҳам қайсиdir қинғир йўллар билан мақсадига эришишга интилиш ўrniga ўқисинлар, ўргансинлар. Қарс, икки кўлдан чиқади, деган гап бор ахир. Таниш-билишчилик, турли илтимослар, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тоймайдиган, моддий манфаат деб қонунларни ёёқ ости қилиб, қасамёдини бузадиган, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмайдиган судъялар, суд ходимларига ва ушбу суд идораларига иш юзасидан келиб кетаётган фуқароларга қонун талабларини эслатиш ва огоҳлантириш мақсадида қўйидаги қонун нормаларини ҳамма учун кўринадиган жойга 1-2 метр масофадан бемалол ўқиш мумкин бўлган катталиқдаги ҳарфларда ўқишига кулай тартибида ёзиб қўйишни таклиф қилмоқчиман.

Жумладан, тепасида шундай ёзув бўлса: “Конституция ва қонунларнинг бу талабларидан хабардормисиз!?”

1 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасига асосан, “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишига, бошқа кишиларнинг хукуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-кимматини ҳурмат қилишига мажбурдирлар – бу фуқароларнинг Конституциявий бурчи”.

2 Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 408-моддасига асосан ишга раислик қилувчи – судья, суд мажлиси залида тартибга риоя қилинишини таъминлайди. Унинг фармойишлари тарафлар ва барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир. Унинг фармойишлари сўзсиз бажарилиши шарт. Тарафлардан ёки бошқа шахслардан бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатларига эътиroz билдириши мумкин эмас. Агарда эъти-

роз билдирилган тақдирда ушбу эътиrozлар суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйшлади, кейинчалик суд залидан чиқарилиши ҳам мумкин.

3 Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасига кўра, гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасдан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузиш ҳолатлари ўз ифодасини топган тақдирда, ушбу шахсларнинг ҳаракати судга ҳурматсизлик деб топлади ва тегишили тартибда жаримага тортилади.

4 Суд ишларини ҳал этишига аралашиш, судъяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш ЖКнинг 236-моддасига асосан уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланиши мумкин.

5 Пора олган ҳам, пора берган ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210 ва 211-моддасига асосан ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

6 Жиноятга тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш ким ва қандай мансабда бўлишидан қатъи назар ЖКнинг 241-моддасига асосан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

7 Ҳукукни муҳофаза қилувчи органларда ва суд идораларида ишлаётган хизматчи-ходимларни пора эвазига оғдириши, яъни уларни ўзига ағдариб олаётган шахс манбаатларини кўзлаб иш бажарилиши ёки бажармаслиги эвазига била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ берииш



ёки мулкий манфаатдор этиши, аникланган ҳолатларга қараб ЖКнинг 213-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиши билан жазоланади.

 Пора олиш, пора бершида воси-
тачилек қилиши, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириги билан порани бевосиста берши, аникланган ҳақиқий ҳолатга асосан ЖКнинг 212-моддасига кўра ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Мана шу 8 та долзарб масалани тегишли жойга аниқ қилиб ёзиб қўйишни таклиф этмоқдаман.

Хурматли касбдошлар!

Инсондаги ҳар қандай ёмон одатлар – беларвонлик, дангасалик, масъулиятсизлик, ўз манфаатини устун қўйиш ҳаётда олган тарбиясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Лекин Сизлар оила тарбиясидан ташқари, мактабда, олий ўқув юртида илим олиш билан бирга, судьялик лавозимига келгунингизга қадар ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, ундан ҳам сабоқ чиқарган, ибрат олган бўлишингиз керак. Шунинг учун ҳам мен яна бир бор мутафаккир аждодимиз Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокатdir” деган ҳикматларини ёдинигизга солмоқчиман. Бу бежизга айтилмаган. Мана, тарбиясиз ва маънавиятсиз, ўзини тийиб юролмайдиган инсонларни қандай ахволга тушганларини кўряпсизлар-ку.

Энди яна коррупциянинг олдини олишдаги омиллардан бир нечаси ҳақида ўзимнинг насиҳатларимни шу соҳадаги оқсоқол сифатида айтмоқчиман.

Нафсни тийишини уддалайдиган киши – “ҳар томонлама кучли ва ақллидир”, уддалай олмаганлар – маънавиятдан оқсаган кучсиз ва ожиз кишилардир. Шунинг учун айрим мансабдорлар босар-тусарини билмай қолади ва кўнгли тусаган ишни қилиб, ҳаттоқи жирканч қилмишлардан ҳам ҳазар қилишини билмайдилар. Нафснинг қулига айланган айримларнинг кўштироқ ичидағи дўзах балосига учраётгандигига гувоҳ бўлайпсизлар.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни бегараз амалга ошириш жараёнида, ҳар қандай йўсинда манфаатдор бўлишга уриниш, ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг натижаси оддий фуқароми, мансабдорми, ким бўлишидан қатъи назар, охир оқибат яхшилик билан тугамайди. Шунинг учун киши ҳар бир ишни қилишдан аввал, “шундай қилиш



мумкинми?” – дея ўз-ўзига савол қўйиб, бу хукуқ-мажбуриятим доирасига кирадими деб, шу иш оқибатида ўзимга ва оила аъзоларимга зарари етмайдими?” деган фикрларни обдон ўйлаб, яъни “етти ўлчаб бир кес” иборасига амал этиб, кейин ҳаракат қилса, ҳеч қандай бало-қазоларга учрамайди, демоқчиман.

Бир доно киши: “Фақирилгим-ҳалоллигим, Ватанимга, ҳалқимга содиқлигим исботи” деган экан.

Азизларим, менинг ушбу гапларим Сизлар учун ҳам насиҳат, ҳам огоҳлантириш. Уларни ҳам раҳбарнинг талаби, ҳам шу соҳа оқсоқолининг, агар кимда-ким тан олса устознинг шогирдларига қарата айтган насиҳати деб қабул қиласизлар деган умиддаман. Ҳеч кимнинг оёғига бесабаб тикан ҳам кирмасин деган холис ниятда дуода эканлигимни ҳам биласизлар, деб ўйлайман. Ва бунга шубҳа қilmайман.

Қадрдонлар, ҳабарларингиз бор, жорий йилнинг 8 июль куни Мұхтарам Президентимиз томонидан қабул қилинган мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма сakkiz йиллик байрамига муносиб тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорида масъулларга “Жонажон Ўзбекистоним, мангубўл омон!” деган бош гояни тарғибот-ташвиқот қилиш вазифаси юклатилди.

Шундан келиб чиқиб, биз судьялар ва суд тизими ходимлари мана шу бош гояга ҳамоҳанг бўлган “Она диёр, Ватан учун яшайлик!” шиорига содик бўлиб, зиммаздаги ниҳоятда масъулиятли вазифани вижданан бажариш орқали Ватанимиз ва ҳалқимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшайлик. Ана шунда Ватанинг содик фарзанди зиммасидаги улуғ бурчга нисбатан садоқатли бўламиз...

Эътиборингиз учун раҳмат!



Дилшод АРИПОВ,
юридик фанлар номзоди

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида белгиланган. Жумладан, Конституцияда ҳокимиятлар бўлиншии принципи, одил судлов фақат суд орқали амалга оширилиши, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги назарда тутилган.¹

Бирок, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашнинг асослари кенг бўлиб, уларнинг барчаси ҳам мамлакатимиз Конституциясида ўз аксини топмаган, балки бошқа қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Шунингдек, қонунчилигимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигига одил нормалар тизимлаштирилмаган, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги асослари бир-биридан ажратилмаган. Жумладан, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси “Суд ҳокимиятининг мустақиллиги” деб аталса-да, унда асосан судьяларнинг мустақиллигига одил талаблар белгиланган. Ваҳоланки, суд ҳокимиятининг мустақиллиги судьялар мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо қилса-да, уларнинг мустақиллиги турлича асослар орқали таъминланади.

Кўйида “Судлар тўғрисида”ги Қонунда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган нормалар таҳлил қилинади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашималаридан мустақил ҳолда иш юритади.²

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминловчи асосий кафил ҳисобланиб, унинг қонунчилик ва ижро ҳокимиятларидан алоҳида мустақил ҳолда фаолият юритишими, махсус тишиб туриш воситалари орқали одил судловни амалга оширишда бошқа ҳокимият тармоқларининг таъсирини истисно этишини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, суд ҳокимиятининг алоҳида тизимга эгалиги.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида суд ҳокимияти мустақиллигининг асоси

сифатида суд тизими алоҳида белгиланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари фаолият кўрсатади. Ушбу норма мамлакатимизда одил судлов фақат ушбу судлар томонидан амалга оширилишини кафолатлади. Бу эса ўз навбатида фавқулодда судларнинг, судловни амалга оширувчи бошқа тузилмаларнинг ташкил этилишини истисно этади.

Учинчидан, суд ҳокимиятининг одил судловни амалга ошириш бўйича маҳсус ва колатга эгалиги.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Бу билан суд ҳокимиятининг ваколатлари алоҳида ажратилиб, бошқа ҳокимиятлар томонидан ушбу ваколатнинг амалга оширилишини истисно этади.

Шу ўринда давлат судларидан ташқари ҳакамлик судлари ёки ҳалқаро арбитражлар фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Зоро, ушбу институтлар томонидан ҳам “судлов” функцияси амалга оширилади. Хўш, уларни ҳам одил судловни амалга оширувчи орган деб ҳисоблаш мумкини? Ушбу саволга жавоб топиш учун авваламбор “одил судлов”, “ҳакамлик суди” каби тушунчаларни таҳлил қилиш лозим.

Одил судлов – давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни кўллаш фаолият тури бўлиб, унинг натижасида суд ҳокимияти амалга оширилади (намоён бўлади).³

Одил судлов – суд органлари фаолияти. Одил судлов органлари. Иш, низони адолатли ҳал қилиш.⁴

Д.Н.Ушаков одил судловни кенг маънода “суд органларининг қонунга асосланган

фаолияти” ва “давлатнинг суд фаолияти (адлия)” тушунчалари билан боғлайди.⁵

Шунингдек, қонунларимизда ҳам одил судловни кенг маънода талқин этувчи бъзи нормалар мавжуд. Жумладан, Жиноят кодексининг 16-боби “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланса-да, унда суроштирув, тергов ва ижро ҳаракатлари билан боғлиқ жиноятлар ҳам ўрин эгаллаган.

Ушбу тушунчани давлатнинг суд фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш сифатида таърифлаш кенг маънода қўлланилиши мумкин, бироқ буни одил судловга берилган аниқ таъриф деб бўлмайди, чунки суд фаолияти кенг тушунча бўлиб, одил судловни амалга ошириш унинг бир туридир.

Фикримизча, одил судлов давлат томонидан маҳсус ваколат берилган суд органларининг суд ишларини қонунга ва ички ишончга асосан ҳал қилиш фаолияти ҳисобланади.

Ҳакамлик суди (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик суди) – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этувчи нодавлат орган.⁶

Ҳакамлик судлари давлат судларидан фарқли равишда тарафлар томонидан келишилган ҳолларда улар ўртасида вужудга келган бъязи низоларни ҳал қиласди, бироқ одил судловни амалга оширмайди, ҳакамлик таркиби ҳам тарафлар томонидан танланади, унинг қарорлари устидан юқори инстанцияга шикоят қилинмайди, қарорлари факат низодаги тарафлар учун мажбурий ҳисобланади, ихтиёрий ижро этилмаган ҳолларда давлат судлари томонидан мажбурий ижро этиш масаласи ҳал қилинади. Ҳакамлик судлари тарафларнинг хоҳишига кўра ташкил этилиши ёки танланиши боис, улар низони ҳал этишда давлат судлари каби процессуал қонунларга эмас, балки ҳакамлик битими, ҳакамлик суди регламентига асосланади.

Тўртингчидан, ишлар ва низоларни судга тааллуқлилиги масаласини ҳал қилиши фақат судлар томонидан амалга оширишида.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судьялар томонидан амалга ошириши (3-модда), одил судловни амалга оширишида судьялар қатъий таомилга амал қилишлари (67-модда) назарда тутилган. Судья ишни (даъво ариза, ариза, шикоят, материал ва ҳ.к.) қабул қилишдан тортиб, уни мазмунан кўриш ва қарор қабул қилиш даврида про-

цессуал қонун талабларига қатъий амал қилиши зарур. Бу борада барча процессуал кодексларда судларга тааллуқли ва тегишли ишлар рўйхати белгиланган бўлиб, судлар ўртасида ишларнинг тааллуқлилиги бўйича низолар келиб чиқишининг олдини олади.

Бешинчидан, суд органларининг мажбурий характерга эга бўлган ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи, уларни юқори инстанция судидан ташқари, бошқа ҳокимият органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмаслиги суд ҳокимияти мустақиллигининг кафолатларидан биридир.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 5-модда-сига кўра, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Мазкур норма суд органларининг мажбурий характерга эга бўлган қарорларни мустақил қабул қилиш, бутун суд тизими фаолиятининг натижадорлигини тъминлаш ҳамда суд ҳокимиятининг қудратини намоён қилишга қаратилгандир. Зоро, суд ҳужжатни бажаришдан бўйин товлаш, унинг ижро этилишига тўскىнлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Суд ҳужжатлари ўз табиатига кўра, барча учун ижро этилиши мажбурий ҳужжат бўлиб, у бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан адлия идораларида рўйхатга олинмаслиги, аниқ суд иши доирасида маълум шахсларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш орқали одил судловни амалга ошириш натижасида чиқарилиши билан фарқ қиласди.

Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги уларнинг бутун республика ҳудудида барча давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек чет эл жисмоний ва юридик шахс-



ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Бекзод ДЖУМАЕВ,
Кармана туманлараро
иқтисодий суди судьяси**

Қанча кўп ўқисанг, шунча кам нарса билишингни англаб етаверар экансан. Судьялар олий мактабида ташкил этилган икки ҳафталик ўқув курсида таҳсил олиш жараёнида бу ибратомуз сўзларнинг қанчалик ўринли ва тўғри айтилганлигига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Айниска, менга ўқув машгулотлари тартибли рашнда ташкил этилгани, иш фаолиятимиз давомида кўп учрайдиган мавзуу ва муаммолар асосида шакллантирилгани, дарслардан сўнг уюштирилган маънавий-маърифий тадбирлар жуда ёқди.

Дарсларнинг гурухларга бўлинib, казуслар ташланган ҳолда ташкил этилиши, вилоятлардаги амалиётлар таҳлилига ўрин берилгани, аниқ соҳалар бўйича тўғри амалиёт йўлга қўйилгани, масалан, солиқлар бўйича, банкротлик ва суд бошқарувчилари фаолияти бўйича соҳанинг етук ва тажрибали вакиллари томонидан ўтилган дарслар менда жуда яхши таассурот қолдирди. Дарслар бевосита биз тингловчилар томонидан таклиф этилган мавзулар бўйича ўтилиши, ўқитувчиларнинг ҳам асосан маҳоратли судьялардан таркиб топганлиги ва албатта дарслардан кейинги маънавий-маърифий тадбирларда ҳам маҳорат дарслари каби амалиётимизда ечимини топиш қийин кечеётган муаммоли мавзуларнинг кўтариб чиқилиши юристлар малакасини ошириш марказидаги ўқув курсларидан тубдан фарқ қилди.

Дарслардан сўнг ташкил этилган шахмат турнири, ижодкор судьялар ва узоқ йиллар соҳада фаолият юритган тажрибали соҳа вакиллари билан бўлган учрашувлар, амалиётимизда дуч келинадиган муаммоли вазиятлар хусусида улар билан юзма-юз савол-жавобларимиз асносида ўзлаштирган тажрибаларимиз келгусидаги фаолиятимизда кўл келиши тайин, албатта.

Шу ўринда Судьялар олий мактаби фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ўзимнинг тақлифларимни ҳам билдириб ўтмоқчиман. Дарс жараёнларига божхона, корпоратив низолар мавзуларида дарслар киритилса ва тингловчиларнинг Олий суд назорат инстанциясида иштироқи таъминланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Джумаев Бекзод
Абдуходирович
Кармана туманлараро иқтисодий суди

лари томонидан ижро этилиши, бўйсуниши, амал қилиши шартлиги билан таъминланади.⁷

Олтинчидан, суд ҳокимиётининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормага ва одил судловни амалга ошириши фаолиятига аралашибарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибашга йўл кўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Жумладан, Жиноят кодексининг 236-моддасида суд ишларини ҳал этишга аралашибаш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўқсинглик қилиш ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун жиноят жавобгарлик белгиланган.

Еттинчидан, судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш судьялар ҳамкамияти томонидан амалга оширилиши.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ суд ҳокимиётининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиёт мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига кўра судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг факат қонунга бўйсуниши принципларига қатъий мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан амалга оширилади.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

судьялар корпусини шакллантириш;
судьялар даҳксизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

судьяларни касбий таъёрлашни, уларнинг малакасини оширишини ташкил этиши, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек уларни разбатлантириши бўйича ташаббус кўрсатиш;

судьялар томонидан одоб-ахлок қодаларига риоя этилиши масалаларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш;

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

судьяларни интизомий, маъмурӣ ва жинонӣ жавобгарликка тортши масаласини кўриб чиқиши.

Саккизинчидан, суд ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгалиги.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мазкур ҳуқуқинг Олий судга ҳам берилганлиги унинг бошқа ҳокимият органларидан мустақил ҳолда норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини Олий мажлисга киритиш ваколатидан фойдаланишини кафолатлади. Бу эса судларнинг ушбу йўналишда ҳам мустақил фаолият олиб боришини таъминлаб, суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Тўққизинчидан, Олий суд Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериши ваколатига эгалиги.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради. Қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Олий суд Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.⁸

Ўнинчидан, ташкилий масалаларнинг судлар томонидан мустақил ҳал қилиниши.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси:

Олий суд фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қиласди;

Олий суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди;

Судьялар олий кенгаси билан келишган ҳолда судларнинг тузилмаларига бошқарув ходимларининг умумий сони доирасида ўзгартунишлар киритади;

Олий суднинг штат жадвалини тасдиқлайди ва ҳ.к.

Ўн биринчидан, судларнинг молиявий жиҳатдан мустақиллиги, уларнинг фақат давлат бюджети ҳисобидан етарли миқдорда молиялаштирилиши.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 79-моддасига мувофиқ судларни молиялаштириш, уларнинг моддий-техника ва ўзга хил таъминоти, биноларини қўриқлаш ва сақлаб

туриш республика бюджетининг ҳамда Судлар органларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ажратиладиган маблағларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қайд этиш лозимки, суд тизимини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши қонунчилик ва ижро ҳокимияти томонидан белгиланади. Шуниси муҳимки, суд ҳокимияти ўзининг йиллик бюджетини мустақил белгилаши лозим, давлат бюджетини тасдиқловчи органлар эса суд тизимининг эҳтиёжларини эътиборга олишлари шарт. Ресурсларнинг етишмаслиги суд тизимининг коррупцияга мойиллигини келтириб чиқариши, унинг мустақиллиги ва холислигини сусайтириши мумкин. Суд тизими учун зарур бўлган ресурсларни ажратища судьялар ёки судлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши керак.

Киев конференцияси тавсияларига⁹ кўра, суд тизими бюджети бўйича таклифлари юзасидан ҳукуматнинг мажбуриятлари ва парламентнинг давлат бюджетини қабул қилиш бўйича ваколатлари мавжудлигидан қатъи назар, суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи орган, масалан судьялар кенгаси, ҳукуматга суд тизимининг бюджет талаблари бўйича маълумотини тақдим этиши тавсия этилган. Шунингдек, ушбу орган бюджет муҳокамасида парламент олдида чиқиш қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Судьялар кенгаси бюджет маблағларини суд тизими ичida тақсимлаш жараёнида ҳам иштирок этишлари мумкин.

Фикримизча, “Судлар тўғрисида”ги Қонунда суд ҳокимияти мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини тизимлаштирган ҳолда алоҳида бобда белгилаш, уларни ҳалқаро талаблар ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида янада тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзР Конституцияси. 106, 107, 110, 112-моддалар.
2. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси.
3. https://ru.wikipedia.org/wiki/cite_ref-2
4. Толковый словарь Ожегова С.И. <http://www.ozhegov.org/words/26260.shtml>
5. Толковый словарь русского языка: в 4 т. Под ред. Д. Н. Ушакова. М.: «Гос. ин-т Сов. энцикл.», ОГИЗ, Гос. изд-во иностр. и нац. слов., 1935-1940.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни. 3-модда.
7. Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-1 ва 198-2-моддалари, Жиноят кодексининг 232-моддаси, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 81 ва 88-моддалари.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19, 21-моддалари.
9. Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсияларининг 6-банди. 23-25 июнь 2010 йил.



ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

**Маликахон
ҚАЛАНДАРОВА,**
Судьялар олий мактаби
“Иқтисодий ҳукуқ”
кафедраси мудири, юридик
фанлар номзоди

Тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий соҳадаги фаолиятда шахсларнинг ҳукуқга хилоф ҳаракатлари натижасида фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг манфаатларига зарар етиши мумкин. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бөглиқ вазифалар прокурор фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳукуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат (“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддаси).

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига кўра, ишлар судларда кўрилаётганда иштирок этётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади.

Прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳукуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллiği ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт.

Шунга кўра, прокурор Иқтисодий процессуал кодексининг 49-моддасида назарда тутилган талабларга кўра, процессуал ҳукуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Иқтисодий судларда прокурорнинг ваколатини таъминлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган баъзи жиҳатлар ҳақида тўхтalamиз:

Биринчидан, прокурор судга бошқа шахс, давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича судларда давлат божини

тўлашдан озод қилинган (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 330-моддаси 13-бандига кўра, прокуратура органлари - давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинади).

Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Мазкур ҳолатда прокурор ўзининг фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинмаган.

Иккинчидан, прокурор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси талабларига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда курилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани бузиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ушбу тоифадаги ишларни кўришда судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилиш лозим бўлади.

5¹⁾ даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

5²⁾ медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ҳақида илтимоснома билан арз қилган тарафлар уни амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаса;

5³⁾ тарафлар ўртасида медиатив келишув тузишган бўлса;

Яъни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун хужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, шунингдек тадбиркорлик мақсадлари учун ер ажратиш тартибини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузуб ташлаш) ни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандига кўра, ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда: иморатни қуриш учун ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган хужжатларнинг мавжудлиги ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида қурилганлигини аниқлайди; ўзбошимчалик билан қурилган иморат аниқланган тақдирда, ушбу иморатни қурган шахсга мазкур қурилишнинг ноқонунийлиги ва унинг ҳукуқий оқибатлари ҳақида батафсил тушунтиришлар беради ҳамда иморатни ўн беш кунлик муддатда иختиёрий равишда бартараф этиш (бузуб ташлаш) тўғрисида далолатнома тузади.

Мазкур Низомнинг 12, 13-бандларига кўра, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бартараф этиш (бузуб ташлаш) учун белгиланган муддат тугагандан сўнг ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда икки иш куни мобайнида ушбу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 34-моддасига мувофиқ туман (шахар) ҳокимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияга (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) хабарнома киритади.

Комиссия ваколатли органлар томонидан киритилган хабарнома келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бартараф этиш (бузуб ташлаш) тўғрисидаги туман (шахар) ҳокимининг даъво аризасини судга киритилишини таъминлайди.

Агар, прокурор ушбу тартибига риоя қилмаса, даъво судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилин-



маганлиги асоси билан даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳолат эса, ҳокимиятдан давлат фойдасига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилишига олиб келади.

Учинчидан, прокурор агар шартномавий-ҳукукий муносабатлардан келиб чиқадиган низо бўйича даъво аризаси тақдим этса-ю, бироқ шартномада низо келиб чиқсан тақдирда низони қўришни ҳакамлик судига ўтказиш ҳақидаги келишув мавжуд бўлганда, суд Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 2-бандига асосан ҳакамлик судига мурожаат қилиш имконияти бой берилмаган бўлса ва агар ишнинг иқтисодий судда қўрилишига қарши бўлган жавобгар низонинг мазмуни бўйича ўзининг биринчи аризасидан кечиктирмай низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига ўтказиш тўғрисида илтиноснома берса, кўрмасдан қолдиради.

Агар, прокурор иқтисодий судга даъво аризаси тақдим этганидан ва у суд томонидан қабул қилинганидан сўнг тарафлар Иқтисодий процессуал кодексининг 29-моддасига асосан фуқаролик ҳукуқий муносабатларидан келиб чиқиб, юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳамда иқтисодий судга тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, иқтисодий суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар ҳакамлик судига қўриш учун топширилиши учун келишган бўлсалар суд прокурорнинг даъвосини қўришни давом эттиради.

Бундан ташқари, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори давлат ва жамият, ҳакамлик муҳокамасида иштирок этмаган шахснинг ҳукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига таъсир кўрсатса, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилишга ёки ижро варакаси беришни рад этиш ҳақида фикр билдиришга ҳақли.

Иқтисодий процессуал кодексининг 223-моддасига кўра, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг иқтисодий судга тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичida иқтисодий судга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ариза бериш йўли билан низолашиби мумкин.

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Фаррух АМАНОВ,
Қўқон туманлараро
иқтисодий суди судьяси

Ёш судьялар учун бу каби ўкув жараёнлари жуда катта мактаб вазифасини ўтайди. Чунки назария билан амалиётнинг уйғунлиги тингловчи учун яхши самара беради. Мактабда дарс мавзулари асосли ва жуда ўринли танланган. Яна бир қўшимча қилмоқчи бўлган фикрим, дарс жараёнларига ФПК бўйича янада кўпроқ дарслар кирилса, замонавий коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда дарслар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дарсларнинг тингловчилар талаб ва истакларидан келиб чиқсан ҳолда танланган мавзуларда ташкил этилиши ҳам самарали усуслардан биридир. Бундан ташқари, ўкув дарслари Олий суднинг тажрибали судьялари ва мактабнинг тажрибали ўқитувчилари томонидан ўтилиши, жараёнда устозларнинг амалий фаолиятдаги тажрибалари билан кенг ўртоқлашгани, самимий тарздаги ўзаро баҳс-мунозаралар ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мен бу ўкув курсида иштирок этиб жуда катта ютуқларни кўлга киритдим, деб ўйлайман. Чунки, амалиётда учрайдиган кўпгина мунозарали саволларга жавоб топдим. Келгусида сабоқлари билан назария ва амалиётнинг уйғунлашувига эришишимизга сабабчи бўлган малакали устозларимиз сингари фаолиятимизда бу каби тажрибалардан, албатта, кенг фойдаланамиз.

Икки ҳафталик ўкув жараёнлари жуда қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди. Соҳа билимдони бўлган устозларимиз билан эркин мулокотда ўзимизни қизиқтирган барча саволларимизга жавоб олдик. Келгусида устозларимиз ва касбдошларимиз билан фаолиятимиз давомида амалий ҳамкорлик қилиб туриш таклифини билдираман. Бу, албатта, ҳаммамиз учун ижобий натижага кенг йўл очади.



Аманов Фаррух
Анваржонович
Қўқон туманлараро иқтисодий суди

Бундай ҳолатда, прокурор ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилиши, оқилона муддат давомида шахснинг ҳуқуqlари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини аниглаш ва бартараф этиш юзасидан чораларни кўрганлигини тасдиқловчи далилларни илова қилиши лозим.

Демак, прокурорга ариза билан мурожаат қилиш билан боғлиқ процессуал муддатларга риоя қилиш талаб этилади.

Прокурорга ариза билан мурожаат қилиш муддатининг тикланмаслиги, манфаатдор шахснинг мустақил равиша судга ушбу мазмундаги илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қilmайди.

Тўртингчидан, прокурор томонидан кўзғатилган даъво аризаси бўйича келишув битимининг тузилганилиги, прокурорнинг суд мажлисидағи иштироқи билан кўриб чиқилиши лозим.

Бешинчидан, прокурорнинг битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатларини кўллаш ҳақидаги даъво талабларига нисбатан ҳуқуқи бузилган шахсни судга химоя қилишга оид норма, яъни фуқаролик қонунчилигининг даъво муддатини кўллашга оид қоидлари кўлланилади.

Бундан ташқари, ҳақиқий бўлмаган битимни оқибатларини кўллаш ҳақидаги даъво талаблари қўйилаётганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 228-моддасини кўллаб, мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикация) юзасидан талаб қўймаслик лозим, балки битимнинг ҳақиқий эмаслигини тартибга солувчи фуқаролик қонунчилигининг нормаларини кўллашни сўраш талаб этилади. (ФКнинг 114-моддаси)

Прокурор мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги даъво талаблари билан судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи ҳам мунозарали бўлиб ҳисобланади.

Прокурор ўзи томонидан тақдим этилган даъво юзасидан қабул қилинган суд ҳужжати ижросини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бундай ҳолатда прокурор суд ҳужжатини ижро этилиши билан боғлиқ қонун бузилишлари юзасидан давлат ижроқисининг хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилол деб топиш ҳақидаги даъволар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Олтингчидан, ишда даъвогарнинг иштироқи прокурорнинг у қўзғатган даъво бўйича ишда иштирок этиш мажбуриятидан озод қilmайди. Прокурорнинг судга даъво тақдим этиш ваколати ишончнома асосида бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

Прокурор ишда хизмат гувоҳномаси асосида, бошқа прокуратура ходимлари эса хизмат гувоҳномаси ва прокурор томонидан имзоланган ишончнома билан иштирок этишлари лозим.

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига кўра, фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуqlари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали химоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаёт-

ганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Ишлар судларда кўрилаётганда иштирок этадиган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади.

Прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллiği ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт.

Мазкур қонуннинг 56-моддасига кўра, қонуннинг 33-моддасидаги “прокурор” деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Боз прокурори, қўйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, боз бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошликлари, уларнинг ўринбосарлари, боз бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорларини тушуниш кераклиги юзасидан тушунтириш берилган.

Бу эса, туман прокуратурасининг ходимлари ишончнома асосида иштирок этишлари лозимлигини англатади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам прокурор фикри қонун талабларига, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига асосланган, барча хulosалар таҳлил ва алоҳида далиллар асосида баҳоланган ва аниқ бўлиши, яъни масалани ҳал этишни суд ҳукмiga ҳавола қилмаслиги лозим.

Еттингчидан, прокурор суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Саккизингчидан, прокурорнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқини “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддаси белгилайди.

Мазкур қонун бундай ариза беришнинг икки шартини белгилайди:

- умумий назорат тартибида ёки жиноий ишларни тергов жараёнида ёхуд бошқа дастлабки тергов органларидағи текширувларни назорат қилишида ёки судда прокурор ваколатини амалга оширишида прокурор томонидан банкротликни яшириш аломатлари аниқланганда, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 авгуустдаги 224-сонли “Соҳта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари-



ни аниқлаш” Қоидаларига кўра, банкротликни яшириши - ҳўжалик юритувчи субъектининг ҳақиқатга тўври келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузуб кўрсатиш ўюли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигини ўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қассдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишини англатади.

б) кредиторлар манбаатини кўзлаб. “Прокуратура тўврисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига мувофиқ, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиши учун прокурор судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Кредиторлар манбаатларини ҳимоя қилувчи бундай ариза билан прокурорнинг мурожаат қилиши учун асос бўлиб, ўз навбатида, ушибу шахсларнинг прокуратура органларига бирламчи мурожаатлари ҳисобланади.

Тўққизингчидан, амалиётда даъвогар ва жа-вобарнинг бир шахс бўлиб қолган ҳолатлари ҳам мавжуд, масалан, прокуратура давлат ҳокимиyati органининг манбаатида у билан тузилган шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллашни сўраган. Яъни, айнан шу орган қонун ҳужжатлари мазмунига зид бўлган битимни тузган.

Бу ҳолатлар, прокурорни судга даъво билан мурожаат қилишга тўқсинглик қилмайди.

Үнингчидан, амалиётда биринчи инстанцияда бошқа, апелляция, кассация инстанциясида бошқа фикрларини бериш ҳолатлари учрайди, назаримизда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Боз прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.



Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туманлараро
иқтисодий судининг раиси



Ирина ХАКИМОВА,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси

СОЛИҚ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Солиқ низолари солиқ, йигим ва бошқа солиқларни тўлаш билан боғлиқ бўлган, бир томондан солиқ тўловчининг манфаатларини ҳимоя қилишга, иккинчи томондан, давлатнинг солиқ, йигим ва бошқа мажбурий солиқ тўловларини белгилаш ва йиғишда ифода этилувчи низоли ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади.

Солиқ низоларини уларни ҳал қилювчи органлар бўйича қўйидагича таснифлаш мумкин:

судгача ҳал қилинадиган солиқ низолари;

суд тартибида ҳал қилинадиган солиқ низолари, улар:

Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда фуқаролик ишилари бўйича судлар томонидан ҳал қилинадиган солиқ низолари;

Иқтисодий процессуал кодексида белгиланган тартибда иқтисодий судлар томонидан ҳал қилинадиган солиқ низолари;

Маъмурӣ суд ишиларини юритиш тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда маъмурӣ судлар томонидан ҳал қилинадиган маъмурӣ-ҳуқуқий низолар.

Амалдаги қонун ҳужжатлари солиқ низолари бўйича шикоят қилишнинг судгача бўлган тартиби мажбурий характерга эга эмас, шунинг учун юқори турувчи солиқ органи (юқори турувчи мансабдор шахс)га шикоят бериш худди шу шикоятни бир вақтнинг ўзида ёки ундан кейин судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилишнинг самарали механизmlарини ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати орғанлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил

26 июндаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши ташкил қилинди ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:


солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашда низоли масалалар юзасидан хуросалар чиқариш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлашда солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш;

солиқ низоларини кўриб чиқиши жараёнида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида камчиликларни бартараф этиши бўйича таклифлар киритши.

Солиқ низолари, солиқ солиш обьектларини аниқлаш, солиқ солинадиган базани ҳисоблаш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзларини қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлар кўриб чиқиш учун Кенгашга юборилади.

Яна бир муҳим жиҳат, ушбу Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси ташкил этилди. У худудий давлат солиқ бошқармаларида ҳам қўйи тузилмаларга эга. Мазкур бошқарма ўз фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши ва бузили-



шини аниқлашда солиқ тұловчилар ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ўртасыда юзага келадиган низоларни күриб чиқады.

Агар унинг натижасыдан солиқ тұловчи қаноатланмаса, у ҳолда бевосита судга ёки Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ тұловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгашига мурожаат қилиши мүмкін.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ тұловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши фаолиятini ташкил қилиш тұғрисида” 2018 йил 9 октябрдаги 812-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ тұловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши таркиби ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ тұловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши тұғрисидаги низом тасдиқланды.

Низомга күра, Кенгашнинг солиқ тұловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасыда юзага келадиган солиқ солинадиган базани ҳисоблаш, солиқ ва бошқа мажбурий тұловлар ставкаларини күллаш, солиқ имтиёзларини күллаш билан боғлиқ келишмовчиликларни (солиқ низоларини) күриб чиқиш натижалари бүйича хulosалари тавсия туысига ега бўлади.

Шу билан бирга, Кенгаш қўзғатилган жиноят ишлари доирасыда ўтказилаётган солиқ текширувлари бүйича ҳамда солиқ тұловчи солиқ низолари бүйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилған ҳолларда солиқ низоларини күриб чиқмайди.

Кенгаш солиқ низоларини кўриб чиқиша солиқ низолари бўйича хulosалар бериша холислик, қонунийлик ва хуқуқни кўллаш амалиётининг бирхиллигини таъминлаши, ариза берувчиларнинг хуқуқлари ва қонуний маңбаатларига риоя қилиши, солиқ ҳақидаги қонунлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаникликларни солиқ тұловчининг фойдасига талқин қилиши шарт ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатади, солиқ низоларини судгача ҳал қилиш механизмлари хорижий мамлакатлarda кенг кўлланилади. Жумладан, хорижий мамлакатлarda солиқ назорати турли ташкилий худудий даражаларга эга органлар томонидан амалга оширилади. Кўп ҳолларда уларнинг ташкилий тузилмаси давлат тузилмаси билан боғлиқ ҳамда бошқа мезонлар билан (масалан, корхонанинг товар айланмасидан келиб чиқсан ҳолда) белгиланиши мүмкін. Масалан, ГФР, Испания, Италияда миллий (федерал) назорат органлари, Нидерландия Қироллиги, Канада, АҚШда эса миллий миқёсда солиқ тұловчилар гурӯхлари ташкил этилган, лекин худудий даражада жорий этилган давлат тузилмаларига ега.

Англо-саксон мамлакатларида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг асосий мақсади йўл қўйилган камчиликларни, юзага келган низоли ҳолатлар бўйича муросага эришиш, келишув тузиш орқали бартараф этишдан иборат. Шу муносабат билан солиқ инспекторларига кенг ваколат берилган. Бундай келишувга эришиш нафақат низони тезда ҳал этиш, балки жарималарни, жарима муддати ўтказиб юборилганлиги учун жаримани қисқартириш имконини беради¹. Солиқка оид низони муроса асосида ҳал этиш тұғрисидаги нормалар Украина қонунчилигида ҳам мавжуд. Таъкидлаш лозимки, бундай келишувга эришиш аниқ регламентланған тартибот бўлиб, бундай келишувга эришишнинг зарурати ва имкониятини асослаш ҳамда бундай келишувни турли даражадаги солиқ органлари

бир нечта мансабдор шахслари томонидан келишишни назарда тутади, бу эса мазкур соҳадаги коррупциянинг ривожланишига тўсқинлик қилади².

Буюк Британияда солиқ низоларининг аксариятини кўриб чиқиш квазисуд органлар – трибуналлар томонидан ҳал қилинади. Иш Олий судга трибуналларнинг қарорларига апелляция бериш босқичидагина топширилиши мумкин. Лордлар палатаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган солиқ ишла-

ри бўйича мамлакатнинг олий суд (апелляция) инстанцияси ҳисобланади. Мустақил квазисуд органлар тизими судларнинг юкламасини енгиллаштириш, вужудга келган низоларни солиқ органлари ва солиқ тўловчиilar муносабатларининг дастлабки босқичларидаёқ ҳал қилиш имконини беради. Музокаралар механизмидан фойдаланиш, расмиятчиликнинг камлиги низони тез фурсатда ҳал қилиш, уни кўриб чиқиш муддатини қисқартиришга хизмат қилади.

АҚШда солиқ низоларининг камдан-кам қисми судгача етиб боради. Солиқ тўловчиilar мурожаатларининг қарийб 90 фоизи маъмурий тартибда – Ички даромадлар хизмати орқали ҳал этилади. Ички даромадлар хизматининг шикоятларни кўриб чиқиш бошқармаси солиқ низоларини маъмурий тартибот кўринишида кўриб чиқади. Унинг фаолияти, жумладан, Маъмурий процедура тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. А.Е. Егоров таъкидлашича, солиқка оид низонинг Бошқармада кўриб чиқилиши кўп вақт ва маблағ талаб этмайди ҳамда суд иш юритувига нисбатан самарали муқобил усул ҳисобланади³.

Солиқ низоларини кўриб чиқишининг хорижий тажрибаси таҳлили солиқ низоларини ҳал қилиш механизмлари хилма-хил экани тўғрисида хulosага келиш имконини беради. Солиқ органлари тизими, шунингдек, солиқ текшируви тушунчаси, доираси, текшируvчilarнинг ваколатлари, солиқ тўловчиilar хукуқларининг кафолатлари салмоқли даражада фарқ қилади. Давлатлар ўртасида солиқ текширувини ўтказиш муддатлари ва турлари, солиқ тўловчини текшируv бошланиши тўғрисида хабардор қилиш шартлиги борасида яқдиллик мавжуд эмаслигига қарамай, солиқ текшируvнинг мақсади солиқларни ҳисоблашнинг тўғрилиги ва улар тўланишининг тўлиқлигиги назорат қилишдан иборат.

Жумладан, Япония қонунчилигига кўра, солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тартиби мажбурий ва шунга мувофиқ, солиқ тўловчи тўғридан-тўғри судга шикоят билан мурожаат қилиш хукуқига эга эмас⁴.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилишнинг мажбурий тартиби суд тизимига бўлган юкламанинг сезиларли даражада камайишига олиб келиши мумкин. Мисол учун, Германияда 2010 йил статистикасига кўра, маъмурий тартибда кўрилган низоларнинг 1,7 фоизи судгача етиб келган, яъни маъмурий тартибда берилган 3,7 млн. шикоятдан фақатгина 70 мингта шикоят судга берилган. Умуман олганда, Германияда

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Равшанбек АСҚАРОВ,
Андижон туманлараро
иқтисодий суди судьяси



Аскarov Равшанбек
Гафурович
Андижон туманлараро иқтисодий суди

Судьялар олий мактаби томонидан ташкил этилган ўқув курсида икки ҳафта давомида таҳсил олдим. Кутганимдан ҳам аъло даражадаги машғулотлар иштироқчиси бўлганимдан хурсандман. Бундан ташқари, ўқув машғулотлари инновацион технологияларга асосланиб, кўргазмали слайдлар билан бойитилгани янада қизиқарли. Бунда, албатта, тингловчи ўзи учун ниманидир кашф этиши тайин. Бу каби машғулотларнинг биз судьялар учун жуда кўп фойдали томонлари бор. Масалан, мен бу ўқув курсидан ўзим учун жуда катта маънавий куч ва амалий тажриба олдим.

Тажрибали соҳа ходимлари томонидан олиб борилган дарс жараёнлари, амалиёт билан боғланган ҳолатда ташкил этилган ўқув соатлари жуда қизиқарли. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларидаги апелляция ва кассация инстанцияларида ҳамда биринчи инстанцияларда иштирок этиб, ҳамкасбларимиз, тажрибали устозлар билан фикр алмашишга ҳам мусассар бўлдик. Албатта, буларнинг барчаси биз учун яхши кўнникмалар ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон психологияр Ассоциацияси раҳбари Ж.Исакова машғулотларнинг бирида тингловчilar ўртасида ташкил этган суд мажлиси менга жуда манзур бўлди. Менинг таклифим — худди шу тарзда тингловчilar орасида саҳна кўринишидаги суд мажлислини ташкил этилса, бу уларнинг онгida муҳрланиб қолади.

солиқ низолари билан судга мурожаат қилиш сезиларли даражада пасаймоқда ва бу шикоятнинг судгача бўлган тартибининг самарадорлиги билан боғлиқ: 1999 йилда судга мурожаатнинг максимал кўрсаткичи 135 мингта бўлса, 2010 йилга келиб 70 тага камайган.

Буюк Британия Солиқ ва божхона хизмати (Her Majesty's Revenue and Customs HMRC) тақдим этган маълумотлардан шундай хulosага келиш мумкинки, 2012 йил априль оидан 2013 йил март ойигача ушбу хизмат томонидан 61 977 (56 228+5 749)та солиқ низолари кўрилиб, шундан 90% (56 228 та) судгача тартибда ҳал қилинган⁵.

Канада солиқ агентлигининг 2013-2014 йиллардаги парламентга тайёрлаган йиллик ҳисоботига кўра, 2013-2014 йилларда агентлик томонидан солиқ тўловчиларнинг эътирози бўйича 197 278 та қарор қабул қилинган.

Россия Федерациясида ҳам шикоятларни судгача ҳал қилишнинг мажбурий тартиби жорий этилган пайтдан шикоятлар миқдори камайишининг ижобий тенденцияси кўринмоқда: 2009 йилдан 2012 йил охири-гача судга мурожаатлар сони 69 000 тадан 50 000 тагача камайган ва йилига ўртача 10% камайиш тенденциясига эга⁶.

Солиқ низоларини судгача кўриб чиқиш тартиби соҳасидаги хорижий тажриба шуни кўрсатадики, солиқ низоларининг 85-98% судгача кўриб чиқилиб, ҳал қилинмоқда. Ҳакиқатан ҳам, хорижий мамлакатларда солиқ тўловчиларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Солиқ органлари солиқ низоларини улар юзага келган пайтдан бошлиб ҳал қилишга уринмоқдалар. Ушбу тажриба солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун айнан солиқ низоларини судгача кўриб чиқишга эътибор қаратиш зарурлигига ишора қилади. Чунки, солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тартиби солиқ тўловчиларга низоларни судга мурожаат қилмасдан ҳал қилиш, суд тизимиға юкламани камайтириш, шунингдек солиқ органлари иш сифатини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тартибининг афзаллиги, давлат божи ва суд харажатларининг мавжуд эмаслиги, шикоятларни расмийлаштиришнинг содда тартиби, шикоятларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш муддатининг қисқалиги, шунингдек бизнесда об-



руни сақлаб қолиш, яъни солиқ тўловчи ва солиқ органи низони судгача олиб бормасдан ҳал қилишдан манфаатдор бўлиши ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сонли Фармонишига асосан ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси янги таҳририда солиқ низоларини самарали ҳал қилиш, жумладан уларни судгача ҳал қилиш механизмларини қонунчилик даражасида мустахкамлаш, бу борада солиқ низоларини судгача кўриб чиқиш жараёнини мажбурий қилиб белгилаш масалаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Егоров А.Е. К вопросу об административном порядке разрешения налоговых споров в Соединенных Штатах Америки // Налоговед. 2008. № 7. С. 15.
- Щекин Д.М. Примирительные процедуры урегулирования налоговых споров в законодательстве России и Украины // Налоговед. 2006. № 1. С. 15-16.
- Бернам У. Правовая система США. М., 2006. С. 345.
- Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. М.: Наука, 2006. № 11. - С. 5 - 13.
- Кучеров И.И. Налоговое производство в России и за рубежом // Бухгалтерский учет. 2000. № 4. С. 5-6.
- Козырин А.Н. Налоговое право зарубежных стран: Вопросы теории и практики М.: Манускрипт, 2013. - 112 с.



Тоҳир САФАРОВ,
тадқиқотчи

Жаҳон ҳуқуқий ва сиёсий тажрибасида электрон демократия тобора долзарб соҳа бўлиб бормоқда.

Европа Кенгаши аъзо давлатларга 2009 йилда электрон демократиядан кенг фойдаланишини тавсия қилган. Бунда аҳолининг иштирокини ошириш орқали демократик жараёнга эришиши имкониятини яратиш ҳамда мавжуд демократик тизимни мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Европа кенгаши электрон демократиянинг бир тармоғи сифатида электрон ҳужжат айланмасига асосланган шаффоғ, ҳисобдор ва мустақил электрон судлов тизимини ажратиб кўрсатади.

Электрон судловнинг асосий жиҳатлари электрон ҳужжат айланмаси, масофадан ҳамкорлик қилиш, жумладан, ишларни масофадан кўриш, аҳолининг суд ҳужжатлари билан танишиш учун имконият яратиш, суд фаолияти ҳақида маълумот олиш ва мурожатлар билан электрон ишлаш имкониятидан иборат бўлиб, у суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлишини кафолатлади.

Электрон демократияни жорий этиш ташаббуси ҳар қандай манфаатдор шахс томонидан билдирилиши мумкин. Ташаббус барча даражадаги давлат бошқарув органларида электрон демократия жорий қилиниши орқали юқоридан пастга қараб ёки фуқаролар томонидан пастдан юқорига қараб йўналтирилиши мумкин.

Электрон демократияни жорий этишда жамиятдаги сиёсий хусусиятлар ва сиёсий маданиятни инобатга олиш зарур. Электрон демократиянинг барча иштирокчилари тўлиқ шаффоғ ҳаракат қилишлари, ўз ҳаракатлари ва омма олдида билдирган фикрлари учун ҳисобдор ва жавобгар бўлишлари лозим.

Электрон демократия унинг барча иштирокчилари учун наф келтириши керак. Электрон демократиянинг таркибий қисми бўл-

ган электрон судлов фуқаролар ва судлар ўртасидаги яқинликни шакллантириш учун таъсиричан омил вазифасини бажаради. Бизнингча, электрон судлов одил судлов вазифаларини интернет фойдаланувчиларга бериб қўйишдан иборат эмас. У фуқароларни судлар ва ҳуқуқий жараёнлар тўғрисида самарали ахборот олиш имкониятини таъминловчи манба билан таъминлаб, мурожаатларни электрон қабул қилиш, унинг текширилиш жараёнидан электрон тармоқ орқали хабардор бўлиб туриш, электрон тарзда жавоб йўллаш, интернет банкинг орқали почта харажатлари, давлат божлари тўлаш учун имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига (ЖПК) кўра, ошкораликни таъминлаш учун судларда жиноят ишларининг муҳокамаси видеоконференц алоқа режимида ўтказилишига рухсат этилган. Videokonferenç алоқа режимида суд ўтказиш нафақат суднинг ички ресурсларини тежайди ва судларнинг самарадорлигини оширади, балки иштирокчи тарафлар учун кўшимча имкониятлар ҳам яратади.

ЖПКнинг 114-моддасига кўра, гувоҳ ёки жабрланувчи узрли сабабларга кўра судга келмаган тақдирда, суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра, улар видеоконференц алоқа воситасида сўроқ қилиниши мумкин.

Шахс жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан ўлдириш, унга зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкини йўқ қилиш ёки мол-мулкига шикаст етказиш мумкин деган асосли шубҳа бўлган тақдирда ҳамда вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчини очик суд мажлисида сўроқ қилиш унинг руҳиятига жиддий зарар келтириши мумкин деган асосли тўхтамга келинса, суд томонидан уларнинг шахсини конспирациялаш чораларини кўриб, видеоконференц алоқа режимида сўроқ қилиш имконини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шахси конспирацияланган жабрланувчи ёки гувоҳнинг шахсига доир маълумотлар ошкор этмаслик шарти билан судланувчига, унинг химоячисига ва давлат айбловчисига уларнинг сўровига асосан берилишини таъминлаш таклиф этилади.

Мазкур шахслар суд мажлисида жисмонан ҳозир бўлиш мажбуриятидан озод этилиб, ўз кўрсатувларини хавфсиз шароитда бериш имкониятининг яратилиши, жабрланувчи ва гувоҳни суд мажлиси пайтида ёки суд биносидан чиқиб кетаётган вақтида бино атрофида унга турли жароҳатлар етказилишининг олдини олади.

Конун мазмунига кўра, гувоҳ ёки жабрланувчининг узрли сабабларга кўра судга келмагани, улар қаерда бўлишидан қатъий назар уларни видеоконференц алоқа воситаси орқали сўроқ қилиш учун асос бўлади.

Аммо, судлар тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига кўра, судлар ва бошқа органлар учун мажбурий бўлган 2017 йил 24 июн-даги 23-сонли Олий судplenуми қарорида суд мажисларини видеоконференц алоқа режимида ўтказишнинг зарурий шарти – ишда иштирок этувчи шахслардан лоақал биттаси бошқа маъмурий-худудий бирлик (Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) худудида, яъни ишни кўраётган суд жойлашган худуддан ташқарида жойлашган бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, боғланиш иккита суд ўртасида бўлиши лозимлиги белгиланган.

Бундай тушунтириш видеоконференц алоқа тизимида иш кўриш имкониятларини жиддий чеклади. Чунки, бир неча суд муҳокамаси иштирокчилари битта шаҳар (туман) худудида бўла туриб, узрли сабабларга кўра суд мажлисида етиб келиш имкониятига эга бўлмасликлари мумкин. Масалан, ЖК 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига нисбатан ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши тарафлар яратувини тасдиқлаш учун судга юборилган. Судланувчи ва икки нафар жабрланувчи

йўл транспорти ҳодисаси натижасида оғир жароҳатланишгани сабабли, учаласи ҳам ўз ётогидан тура олмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг (кеинги ўринларда ЖПК) 585-моддасига мувофиқ ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасида судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Хусниддин БОЙНАЗАРОВ,
Марғилон туманлараро
иқтисодий суди судьиси**

Судьялар олий мактабида ташкил этилган ўқув курсларининг устун жиҳатларидан бири, дарсларнинг амалиёт билан боғлаб ўқитилишида деб биламан. Ҳам назарияни, ҳам амалиётни узвий тарзда ўзлаштиришимиз сабоқларнинг уни-тилмас бўлиб ёдимида сақланиб қолишига хизмат қилади. Бундан ташқари, ўқув машгулотларини ташкил этишдаги ранг-баранглик, фаолиятимизда кўп учрайдиган жиҳатларга эътибор қаратилгани, соҳанинг тажрибали вакилларидан иборат ўқитувчилар танлангани ҳам машгулотларнинг савияли ўтишида катта аҳамият касб этади. Тажрибали психологлар ташкил этган семинар-тренинглар мавзулари ҳам фаолиятимиздан доимий учраб турадиган муаммоли вазиятлару саволлардан келиб чиқсанлиги боис долзарблигини йўқотмайди.

Машгулотларнинг аксарияти узоқ йиллар суд тизимида фаолият юритган, тажрибали судьялар томонидан ўтказилгани ҳам фикримиз исботидир. Бу устозлар ҳам амалий, ҳам ҳаётий бой тажрибага эга бўлганлари боис дарс машгулотларини жонли, амалиёт билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этдилар. Ўқув курсидаги дарслар мавзулари, педагоглар жамоаси жуда яхши танланган. Шундай бўлса ҳам бу борада ўзимнинг алоҳида таклифларимни билдирам. Масалан, ўқув машгулотларининг мавзуларига кўпроқ юқори инстанция судларида кўриб чиқилаётган ва бекор қилинаётган суд ишлари юзасидан мавзулар киритилса ўринли бўлар эди. Яна нафақадаги тажрибали соҳа вакиллари билан учрашув ва суҳбатлар ташкил этилиши ҳам мақсадга мувофиқ.



**Бойназаров Хусниддин
Алижонович**
Марғилон туманлараро иқтисодий суди

вакиллари, химоячилари, прокурор иштирок этиши шарт.

Судланувчи ёки жабрланувчилардан бирортасининг соғлиги яхшиланиб иккинчи соғлиги ётоқдан туришга имкон бермайдиган иштирокчининг хонадонига боришни кутиш учун эса бу тоифадаги ишларни мухокама қилиш учун белгиланган 10 кунлик муддат имкон бермайди.

Бундай ҳолда эса айни бир шаҳарда жойлашган суд мухокамаси иштирокчиларини видеоконференц алоқа орқали боғлаб, суд таркиби ва бир нафар суд мажлиси котиби вазифасини бажарувчи судья ёрдамчиси судланувчи ётган хонадонга, бошқа икки нафар судья ёрдамчиси эса жабрланувчилар ётган хонадонга бориб, суд мажлисими видеоконференц алоқа орқали ўтказиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, қонун ўз мазмунига кўра, гувоҳ ёки жабрланувчини суд мажлисида хориждан туриб, видеоконференц алоқа орқали иштирок этишига йўл қўйса-да, бундай алоқа ўрнатишнинг механизми ишлаб чиқилмаганлиги судда ишни кўришда айрим ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Масалан, иш бўйича мухим гувоҳ Россия Федерацияси худудида жазо ўтаётган бўлса ва ишни шу гувоҳни сўроқ қилмасдан тўғри ҳал этиш мумкин бўлмайдигин ҳолларда хорижда бўлган гувоҳни видеоконференц алоқа орқали сўроқ қилиш механизмини

яратиш масаланинг тўғри ечими, бўлади деб ўйлаймиз.

Бу масала шу кунга қадар, “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий алоқалар тўғрисида”ги 1993 йил 22 январда Минскда имзоланган Конвенцияга мувофиқ ҳал этилмоқда. Унга кўра, конвенция иштирокчисининг сўровига асосан, сўроқ қилиниши лозим бўлган гувоҳ турган мамлакат гувоҳни сўроқ қилиб, сўроқ баённомасини сўровни йўллаган мамлакатга тақдим қилмоқда.

Аммо сўроқ қилишнинг бундай тартиби ўта қолоқ ва жўн ҳисобланади. Кўйилган саволларга жавоб берилгач, суд мажлисида гувоҳга савол бериш ҳуқуқига эга бўлган тарафларда (судланувчи, жабрланувчи ва ҳ.к.) яна қўшимча саволлар туғилиши мумкин. Амалдаги тартиб эса иш учун аҳамиятга молик бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқлашни қийинлаштиради.

Ваҳоланки, Конвенциянинг 6-моддасига мувофиқ келишаётган тарафлар сўралаётган тарафнинг қонунчилигида назарда тутилган процессал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишади. Россия Федерацияси Жиноят-процессал кодексининг 240-моддаси, Қозогистон Республикаси ЖПКнинг 370-моддаси, Белоруссия Республикаси ЖПКнинг 224¹-моддасида гувоҳ ва жабрланувчиларни видеоконференц алоқа орқали сўроқ қилишга йўл қўйилади.

Бундан кўринадики, судлар Олий суд Пленуми қарорида тушунтириш берилгандек, нафакат Ўзбекистоннинг турли маъмурий-худудий бирликларида турган гувоҳ ёки жабрланувчини видеоконференц алоқа орқали сўроқ қилишлари, балки Жиноят-процессал кодексининг 114-моддаси ва Минск конвенциясининг 6-моддаси талабларига кўра, айнан бир маъмурий худудий бирликда ёки хорижда турган гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳам зарурат туғилганда видеоконференц алоқа орқали сўроқ қилишлари мумкин. Шунингдек, ҳалқаро тажрибадан келиб чиқиб, электрон судловни ривожлантириш учун маъмурий ҳуқуқбузарликларни юритишида электрон тизимни жорий қилиш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикасида жами 26.295 нафар маъмурий ҳуқуқбузарликка оид баённома тузиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар бўлиб, 2018 йил давомида улар томонидан 1.286.528 та маъмурий баённома тузилган. 37 та ҳолатда тузилган баённомалар йўқотилган.

*Адолат дарахтни сугормок
зулм эса тиканга сув
қўймоқдир.*

Жалолиддин РУМИЙ

* * *

*Сўзлар ҳақиқат эмас, бор
йўги оғиздан чиқсан то-
вушлардир. Ҳақиқатни
англамоқ учун яшамоққа
эҳтиёж бор.*

Шамсиддин ТАБРИЗИЙ



Хукуқбузарлик содир этган шахсни аниқлаган ваколатли мансабдор шахс хукуқбузарнинг шахсини аниқлаш имконига эга бўлмаганилиги сабабли хукуқбузарликни расмийлаштиромаган ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Айтайлик, йўлни белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётган пиёдан аниқлаган ички ишлар ходими, пиёда унга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмас, хукуқбузарлик содир этганилиги борасидаги баённомани қандай тартибда расмийлаштиради. Албатта, ички ишлар ходими уни МЖтКнинг 284, 288-моддаларига асосан З соатгача бўлган вақт давомида маъмурй йўл билан ушлаб туриши мумкин. Аммо, уч соат ичida хукуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи бирор маълумот топиш имкони бўлмаслиги мумкин.

Шу сабабли, биз томонимиздан таклиф қилинаётган электрон маъмурй хукуқбузарликка оид иш юритиш тизими бу муаммоларга оқилона ечим таклиф қиласди.

Унга кўра, шахс ўзига нисбатан ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилган маъмурй хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомада кўрсатилган хукуқбузарлик содир этганигини рад қилмаса, маъмурй хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Таклиф этилаётган тартибга кўра, ваколатли мансабдор шахс хукуқбузарликни аниқлаши билан маъмурй хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш учун электрон тизим планшетлари орқали маъмурй хукуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузади ва хукуқбузарга ушбу баённоманинг электрон шаклини ёки қофоз шаклини тақдим қиласди.

Ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилган баённомада кўрсатилган хукуқбузарлик ўзи томонидан содир этилганлигига эътиroz билдирамаган хукуқбузар баённомани планшетдаги маҳсус бармоқ изларини

сканерловчи ускунаси орқали бармоқ изларини тушириш йўли билан тасдиқлади.

Баённомани тузувчи мансабдор шахс хукуқбузарнинг юз тузилишини расмга олиб, электрон тизим планшетлари орқали реал вақт режимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги базасидан унинг шахсини аниқлади. Хукуқбузарга тайинланган жаримани замонавий электрон тўлов тизимлари орқали жойида тўлаш имконияти яратилади.

Хукуқбузар баённомада кўрсатилган жарима суммасини ихтиёрий тарзда тўлаганилиги ҳақидаги маълумот электрон базага келиб тушмаган тақдирда, электрон базага киритилган баённома автоматик тарзда судга жўнатилади. Суд электрон тарзда келиб тушган маъмурй хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни умумий асосларга кўра кўриб чиқади.

Бу тизим хукуқбузарлик содир қилган шахс ёнида ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, унинг шахсини аниқлаш имконини яратади. Бундан ташқари, баённома ва турли тушунтириш хатларини расмийлаштириш учун, хукуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса, уни тегишли органга олиб бориб уч соатгача ушлаб туриш учун сарфланадиган куч ва воситаларнинг тежалишини таъминлайди. Ўз айбига иқрорлик билдирган хукуқбузарни турли инстанцияларга қатнаб, вақт ва маблағ сарфлашдан озод этади.

Асосийси, баённомани йўқотиш, унга ноқонуний йўллар билан ўзгартириш киритиш каби коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига чек қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, судларда электрон демократиянинг такомиллаштирилиши фуқароларнинг хукуқ ва манфаатлари кафолатларини кучайтириб, давлатнинг куч ва воситалари тежалишини, коррупциоген шарт-шароитлар бартараф қилинишини таъминлайди.



Рафик ШАКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини
ошириши маркази кафедра
доценти, юридик фанлар
номзоди

Асосий қонунимизда суд органлари давлат ҳокимияти тизимининг бир тармоғи сифатида эътироф этилганлиги, судларнинг фақат Конституция ва қонунларга буйсуниши ҳамда суд томонидан қабул қилинадиган ҳукм фақат давлат номидан эълон қилиниши лозимлигини белгилайди. Бинобарин, «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти»га багишланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII боби 106-моддасида суд ҳокимияти мустақил ҳолда иш юритади деган қоида, суд органларида фаолият олиб бораётган судьялар олдига катта масъулият юкланганлигидан далолатдир.

Жиноят ишлари бўйича суд органлари ўз фаолиятида, амалдаги жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа қонунларга ҳамда норматив актларга, шунингдек Олий суд Пленуми қарорларига асосланган ҳолда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишларга ҳуқуқий баҳо бериб, уни содир этган шахсга нисбатан ҳукм чиқардилар. Шу билан бирга, ушбу қонунларни кўллаш судьялардан қонунларда келтирилган ҳуқуқий принципларга риоя этишни ва амалда таъминлашни талаб қиласди.

Мазкур масаланинг муҳимлигини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига багишланган тантанали маросимда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Жиноятимизда «Қонун ва адолат – устувор», «Жиноятга жазо муқаррар» деган муҳим принципларини таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқук ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда» деб таъкидлаб ўтди¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-моддасида «Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади» деб таъкидланган.

«Жиноят ҳуқуқи принциплари жиноят қонунида мустаҳкамланган ҳамда демократик давлатнинг жиноят ҳуқуқига оид сиёсатининг моҳияти, ҳозирги замон принципларини ифодалайдиган, шунингдек, содир этилган жиноятлар учун жавобгарликнинг негизи, чегаралари ва шакллари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний ва ҳуқуқий тасаввурларни акс эттирадиган етакчи форза ҳамда асосий қоидалардир»².

Ҳақиқатан ҳам, Жиноят кодексида мустаҳкамланган ҳуқуқий принципларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, уларнинг ижтимоий жиҳатдан қараганда кенг қамровли эканлигини, жиноят-ҳуқуқий муносабатларни тартиба солишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва қонунни кўллаш фаолияти учун ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилувчи омил ҳисобланганлигини англаш мумкин бўлади.

Демак, жиноят-ҳуқуқий принциплар тизимида, жиноят қонунчилиги нормаларини кўллаш ваколати берилган судларга ҳам таъсир кўрсатиш вазифаси юклатилган. Бинобарин, мазкур принципларнинг яна бир муҳим ҳуқуқий моҳияти шундан иборатки, уларни тушуниш ва кўллаш мамлакатимизнинг барча худудларида фаолият олиб бораётган судлар учун ягона ёндашувни таъминлашда намоён бўлишидадир.

Бинобарин, миллий қонунчилиқда назарда тутилган принципларнинг яна бир муҳим жиҳатларига уларнинг мазмун-моҳиятига кўра, бир-бирини тўлдиришини таъкидлаш

жоиздир. Буни жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига мавжуд принциплар мисолида кўрсак бўлади. Масалан, Жиноят кодексининг 4-моддасида келтирилган қонунийлик принципида назарда тутилган қоидалар, ЖПКнинг 11-26-моддаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, «Содир этилган қилмишнинг жинойлиги, жазога саворлиги ва бошқа хуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади» дейилган ЖПКнинг 4-моддасида келтирилган қоида суд органларидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, шу жумладан Жиноят кодексига аниқ риоя этишларини ва уларнинг талабларини бажариши шартлигини (ЖПКнинг 11-моддаси) ҳамда одил судловни амалга оширишда фақат қонунга бўйсуниши (ЖПКнинг 14-моддаси) лозимлигини белгилайди. Мазкур моддаларда келтирилган принципларнинг мазмун-моҳияти Конституция ва қонуннинг устуворлигини намоён этиб, суд органларидан жиноят ишларини кўриб чиқиша ва адолатли хукм чиқаришда фақат республикализмнинг жиноят қонунчилигига асосланган ҳолда амалга ошириш мажбуриятини юклайди. Чунончи, бундай талабларга риоя қилмаслик қонунбузарлик деб топилади ва жиноят ҳамда жиноят процессуал қонунчилигига белгилangan талабларни бузишга олиб келади.

Шу каби ҳолатга, суд томонидан кўрилаётган жиноят иши бўйича тарафларнинг тақдим этган далилларни текширмасдан, уларнинг қонуний йўл билан топилганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмасдан, мазкур номақбул далилларни чиқариладиган хукм учун асос сифатида эътироф этишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мазкур ҳолатларда ЖПКнинг 4-моддасида таъкидланганидек, қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгилangan жавобгарликка сабаб бўлади³. Ваҳоланки, процесс иштирокилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари, ЖПКнинг 27-моддасида назарда тутилган принципга асосан, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Бинобарин, қонунчilik принципларига амал қилиш лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида ҳам раҳбарий кўрсатма тариқасида келтирилган. Жумладан, 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1-сонли қарорининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми жазо тайинлаш масалаларини тартибга солувчи қонун нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, жазо тайинлашнинг умумий асосларини кўллаш бўйича, «Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсун» деб таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд хукми тўғрисида»ги 7-сонли қарорининг 2-бандида судларга хукм чиқаришда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ЖПКда белгилangan унинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашда принципларга амал қилиш лозимлиги назарда тутилиб, «...принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, хукмни қонуний эмас деб топишга асос бўлади»⁴ деб таъкидланган.



Шу каби талаблар Олий суд Пленумининг аксарият қарорларида ўз аксини топганлиги, суд органларига миллий қонунчиликда мустаҳкамланган принципларга қатъий риоя қилиш нақадар муҳим эканлигидан да-лолат беради.

Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида таъкидланганидек, жиноят ишларини юритишда қонунийликни мустаҳкамлашга жиноят-процессуал қонунларда белгилangan тартиб хизмат қиласи. Жумладан, ЖПКда қонунийликни таъминлашга доир бир қатор нормаларни суд органларига жиноят ишлари бўйича муаяян

йўлланма сифатида эътироф этиш мумкин. Хусусан, ЖПКнинг 22-моддаси («Ҳақиқатни аниқлаш») судларга иш бўйича аниқлаши лозим бўлган ҳолатларни, ҳақиқатни аниқлашда нималардан фойдаланиш мумкинлигини, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш ва юзага келган ҳар қандай масалани ҳал қилиш тартибларини, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш қоидаларини батафсил кўрсатиб ўтган. Шундай экан, суд органлари томонидан жиноят иши бўйича ўз фаолиятларини қонуний тарзда олиб бориш учун фақат жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя қилишининг ўзи кифоя бўлади.

Маълумки, шахснинг айбини исботлаш (ЖПКнинг 85-моддаси) жараёни ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қонуний тарзда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далилларгагина асосланган бўлиши керак. Бунда, қонуний тарзда деганда судьялар томонидан ЖПКнинг 87, 94 ва 95-моддаларида белгиланган тартибда далиллар тўпланганлиги, уларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилганлиги ҳамда уларга баҳо берилганлигини тушуниш керак.


Жиноят-процессуал кодекси 81-моддасида далилларнинг мазмун-моҳиятига оид тушунча берилиб, унга кўра фақатгина «ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади» деб таъкидланган. Мазкур масаланинг муҳимлигини эътиборга олиб, қонун чиқарувчи 2018 йил 4 апрелдаги қонуни билан ЖПКга «Далилларнинг мақбул эмаслиги» деб номланган янги 95¹-моддасини киритган⁵.

Ушбу моддада далил сифатида мақбул эмас деб топиладиган ҳолатлар батафсил кўрсатилиб, унда «судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт»лиги белгиланган. Бинобарин, ЖПКнинг 26-моддасида таъкидланганидек «Суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб хукм қиқаради» дейилган.

Бундай ҳолатларга изоҳ сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 1-бандида «... суд томонидан ҳар бир жиноят ишини юритища жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий амал қилиш шартлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 11-моддасида белгиланган талабларга, шу жумладан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда оғишмай риоя этиш муҳим аҳамият касб этади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келади. Мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас», — деб раҳбарий кўрсатма берган⁶.

Демак, қонунийлик принципига риоя қилишда амалдаги қонунчиллик билан бир қаторда, суд органлари томонидан Олий суд Пленуми қарорларида келтирилган талабларни бажариш ва уларга риоя қилиш вазифасини ҳам амалга ошириш лозим бўлади.

Асосий қонунда таъкидланганидек, жиноят содир этган шахсга нисбатан хукм фақат суд томонидан қабул қилинади деган қонуний талабнинг муҳимлиги ЖКнинг 4-моддасида келтирилган қонунийлик принципида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унда «Хеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас» деб белгиланган. Ушбу принципнинг амалга оширилиши ЖПКда келтириган қонунийлик принципига, яъни судьянинг қонуларга аниқ риоя этишининг





табларини бажариш шартлигига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувоғиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади деган ЖПКнинг 12-моддасида назарда тутилган принципларда намоён бўлади. Қонунийлик принципининг мазкур қоидасини амалга ошириш, албатта суд жараёнида суд томондан холислик ва беғаразликни саклаган ҳолда тарафларга процессуал мажбуриятларини бажарилари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш билан боғлиқдир. Бунда, суд айлов ёки ҳимоя тарафини олиб уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламаслигига ҳам боғлиқдир (ЖПКнинг 25-моддаси).

Жиноят кодексининг 4-моддасида назарда тутилган «Жиноят содир этишда айбор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради» деган қонунийлик принципи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддаси талабларининг амалий натижаси сифатида кўрилиб, унга асосан айланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланишини ҳамда тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланишини талаб қиласди. Бу ўз навбатида, суд органларига, фуқароларга Асосий қонунимизнинг 26-моддасида белгиланган, яъни «Судда айланा�ётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади» деган конституциявий ҳуқуқини амалда ижросини таъминлашга оид мажбуриятини юклайди ва қонунийликка риоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, мазкур принцип ЖПКнинг 24-моддасида («Гумон қилинувчи, айланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш») келтирилган принципда ўз ифодасини топиб, унга асосан судьялар зиммасига судланувчига ҳимоялашиш ҳуқуқларини тушунтириб бериш ҳамда

унга қўйилаётган айловдан ҳимояланишда қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш мажбурияти юклатилади.

Қонунийлик принципига кўра, барча ҳуқуқий оқибатлар фақат жиноят қонунига асосланмоғи кераклиги қоидаси шахснинг муайян қилмиши жиноят эканлигини аниқлаш, уни жиноят содир этганликда айбор деб топиш ва жазо тайинлашда фақат қонунда белгиланган тартибида, яъни суд ҳукми билан амалга оширилишида намоён бўлади. Демак, қонунийлик принципининг мазмун моҳияти ва хусусиятидан келиб чиқиб, суд ҳукми ушбу принцип талабларини таъминлашнинг муҳим ҳужжати сифатида эътироф этилади.

Қонунийлик принципига қайси тарзда ва тартибида амал қилиш лозимлиги бўйича кўрсатмалар, юқорида таъқидланганидек, жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа қонунларга ҳамда норматив актлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида ҳам келтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида назарда тутилган «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир» деган қоида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Судлар тўғрисида»ги 162-II-сонли қонунида амалий ифодасини топган. Жумладан, мазкур қонуннинг 21-моддасида «Қонун ҳужжатларини кўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини кўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир» деб таъқидланган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг раҳбарий кўрсатмалари ўзларининг мажбурий кучга эгалиги билан қонунни қўлловчи суд органларидан уларга риоя қилишни, жиноят ишини юритаётганда уларни ҳукуқий асос сифатида қабул қилишларини талаб қилади.

Табиийки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида тақдим этилган раҳбарий кўрсатмаларни билмаслик, қонунчиликни қўллашга оид фаолиятда хатоликларга олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган принципларнинг жиноят қонунчилигида мустаҳкамланганини, шунингдек, Олий суд Пленуми қарорларида судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиётида эътиборга олиш лозимлиги, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият олиб бораётган суд органларига ушбу принципларга риоя қилган ҳолда жиноят қонунчилигини қўллашда ягона ёндашув мажбуриятини юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, судьяларга қонунийлик принципига риоя қилиш мажбуриятини юкланиши, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият олиб бораётган суд органларида жиноят, жиноят-процессуал ва бошка қонунларни ҳамда норматив актларни, шунингдек Олий суд Пленумининг қарорларида акс эттирилган раҳбарий кўрсатмаларни қўллашда, ягона ёндашувни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бунинг учун судьялардан нафақат қонунчиликка буйсунишлари талаб қилинади, балки уларнинг юкори даражадаги юридик тайёргарликка, касбий маҳоратга ва албатта ҳаётий тажрибага эга эканлиги каби хусусиятларига боғлиқдир.

Бугунги кунда фуқароларнинг суд органлари фаолияти ҳақидаги ижобий фикрлари, суд ҳокимиятида кескин ижобий ўзгариш-

лар амалга оширилганлигидан далолат беради. Бу албатта, фуқароларнинг суд идораларига қилган мурожаатлари ўз вақтида, холисона ва қонуний ҳал этилиши, уларнинг бузилган ҳукуқ ва эркинликларини тикланиши ва таъминланиши, судлар томонидан адолатли ҳукмларни қабул қилиниши билан боғлиқдир. Мазкур ижобий натижаларнинг асосий сабаблари қаторида, ушбу соҳага оид Конституция нормаларига ва тегишли қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳамда янги қонун ва норматив-ҳукуқий актларнинг қабул қилинишини келтириш мумкин.

Суд органларида фаолият олиб бораётган барча ходимлар ўз масъулиятини ҳис этган ҳолда 2017 йил 6 июль куни Ўзбекистон ҳалқига мурожат қилиб, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган суд органлари республикамиздаги ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши суд тизимида фаолият кўрсатаётган барча раҳбар ва масъул ходимларнинг ўз хизмат бурчини садоқат билан, адолатли ва масъулиятили бажаришига чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини самарали таъминлашда суд-ҳукуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ўта муҳим аҳамиятини ва долзарблигини тўлиқ англаган ҳолда, ўз зиммаларига юклатилган масъулиятили вазифаларни сидқидилдан, ҳалол ва вижданон бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, ҳалқ ва Президент олдида берган қасамёдига ҳамиша содик қолишга вайда бердилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистон”// Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилигигининг йигирма етти йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. – Халқ сўзи, 2018 йил 1 сент.


2. Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.13.

3. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрдаги 162-II-сон Қонуннинг (янги таҳрири) 73-моддаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 07-сонли «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарори.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-470-сонли Қонун//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги қарори.



ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



Умид САЙДАХМЕДОВ,
Судьялар олий мактаби
“Иктиносодий ҳуқуқ”
кафедраси ўқитувчиси

СУД ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ахборот телекоммуникацияларининг тараққий этиши ва ривожланиши инсонларнинг кундалик турмуш тарзини янада енгиллашишига хизмат қилмоқда. Бу ўз-ўзидан масофадан ўқитишини ташкил этишига янгича ёндашувни тақозо этади.

Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия бош вазири Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган дейилади. Аммо масофадан ўқитиш анча олдинрок, яъни, биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг пайдо бўлишига тўғри келади. 1858 йилдан бошлаб Лондон университетида хоҳловчиларга уларнинг мустақил билим олишлари, ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик дараҷа учун имтиҳон топширишларига рухсат этилган. 1938 йилдан бўён Сиртқи таълим бўйича Халқаро кенгаш, 1982 йилдан бошлаб Масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш номи билан машҳур халқаро таълим ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Масофавий таълим АҚШда ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталарида, Европада эса 70-йилларнинг бошларида жадал ривожлана бошлади¹.

Масофавий ўқиш – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларга асосланган таълим тизимиdir. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчининг қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас. Масофавий таълим – масофадан туриб ўкув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи маҳсус ахборот мухит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуидир².

Судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малақасини оширишда масофавий таълим нима учун керак? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуидагиларни санаб ўтиш мумкин:

– Қайта тайёрлаш ва малака оширишида янги имкониятлар (таълим олишининг арzonлиги, вақт ва жойга боғлиқ эмаслиги ва бошқалар).

– Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

– Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг кенг тарқалган, бошқалари билан солиширгандан самаралироқ бўлган икки усули мавжуддир. Булар – видеоконференция технологиясига асосланган масофавий ўқитиш усули ва интернет/интранет (Internet/Intranet) тармоғида веб-технологияга асосланган масофавий ўқитиш усулидир. Видеоконференция технологияси асосида курилган масофавий ўқитиш тизимини синхрон кўринишдаги масофавий ўқитиш деб аташ ҳам тўғри бўлади. Бунга сабаб, машғулот



ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Мўминжон УМАРОВ,
Наманган туманлараро
иқтисодий суди судьяси

Судьялар олий мактабида жорий йилнинг 8-20 июль кунлари ташкил этилган икки ҳафталик ўкув курси дарс машғулотлари жадвалига киритилган мавзулар касбий этика қоидалари, одобахлок кодекси талабларини

шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги маърузалар мени қувонтирди. Сабаби, биз доимо ўз устимизда ишлашга, ўқиб-ўрганишга ва ўз амалиётимиздаги баъзи муаммоли вазиятлар хусусида гурух аъзолари билан савол-жавоблар қилиб, устоз ва ҳамкасларимизнинг тажрибаларини ҳам ўрганишга муваффақ бўлдик.

Жумладан, судловга тааллуқлилик ва судловга тегишлилик, соддалаштирилган тартиба иш юритиш каби дарс мавзулари тажрибали амалиётчи устозлар томонидан изоҳланиб, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда тингловчиларга етказиб берилиши ҳам жуда самарали усул деб ўйлайман. Чунки, мен ва мен каби тингловчилар бу дарс жараёнларидан келгусида амалиётда қўллашимиз учун етарлича сабоқ олишга эришдик. Айниқса, ўкув машғулотларига мутахассис психологларнинг жалб этилганлиги судьяларнинг психологик кўникмаларини янада юксалишида катта аҳамият касб этади. Албатта, ҳар бир судья ҳукуқшунос бўлиши билан бирга кучли психолог ҳам бўлиши лозим. Суд ишлари юритуvida, иштирокчилар билан мулоқот олиб бориша ва суд процессларида ўзининг психологик билимлари ва кўникмаларини татбиқ этиши, суд ишларининг қонуний ва адолатли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўкув жараёнлари биз судьяларга нафақат малака оширишимизга, балки етук устозларимизнинг амалий тажрибаларидан баҳраманд бўлиши мизга ҳам замин яратди. Ўкув машғулотларида тингловчилар учун интернет тармоқларидан фойдаланган ҳолда замонавий компьютер технологияларидан дарслар ташкил этилса, янада мақсадга мувофиқ бўларди, деган таклифимни ҳам билдириб қоламан.



**Умаров Мўминжон
Каримович**
Наманган туманлараро иқтисодий
суди

жараёни ҳам маърузачи учун, ҳам тингловчи учун реал вақт мобайнида амалга ошади. Видеоконференция алоқаси учун маҳсус қурилмалар ишлатилиб, улар алоқа каналлари орқали аудиовоз, видеотасвир юбориш билан бир қаторда, бошқа мультимедиа имкониятларига ҳам эга бўлади. Юкорида айтиб ўтилганидек, бундай ўқитиш усулида ўкув жараёнини икки томонлама – ҳам маърузачи, ҳам тингловчилар томонидан синхронлаш зарурияти пайдо бўлади. Яъни, ўқитиш жараёнида иккала томонда бир вақтнинг ўзида ҳам маърузачининг, ҳам тингловчиларнинг қатнашиши талаб қилинади.

Масофавий ўқитишнинг кўп муҳитлиги ўкув дастурларини режалаштириш ва курсларни ишлаб чиқиш тамойилларида ўз аксини топади. Масофавий таълим республикамиизда таълим тизимига янги кириб келаётган усул бўлиб, ҳозирда бу жараёнга жиддий эътибор бериб келинмоқда ва унинг асослари яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сонли қарорига асосан Судьялар олий мактаби Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси билан келишган ҳолда Олий мактабда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этиши белгиланган. Судьялар олий мактаби томонидан илк бор республика иқтисодий судлари судьялари учун видеоконференц-алоқа режимида “Иқтисодий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги” мавзусида ўкув машғулоти ташкиллаштирилди. Ушбу онлайн машғулотда Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлараро (туман, шаҳар) иқтисодий судларининг судьялари ҳамда судьялик лавозимларига номзодлар иштирок этди. Онлайн машғулотда “Иқтисодий ҳукуқ” кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди М.Қаландарова бугунги кунда иқтисодий судлар судьялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг судга тааллуқлилик ва судловга тегишлилик қоидаларини бир хилда қўллаш, бу борада судьялар томонидан амалиётни бир хиллаштириш ҳамда Иқтисодий процессуал кодекси нормаларини янада такомиллаштириш, Олий суд Пленуми томонидан тегишли тушунтириш бериш бўйича ўз таклифларини айтди. М.Қаландарова томонидан тайёрланган мавзуга оид

муаммоли вазият (кейс стади)га иқтисодий судлар судьялари томонидан унинг таҳлил этилиши бу борада амалиётни янада бирхиллаштирилишига сабаб бўлиб, судьялар томонидан соҳада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ҳам таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, юридик фанлар номзоди А.Шукуруллаев бугунги кунда иқтисодий судлар судьялари томонидан иқтисодий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги бўйича 2019 йилнинг 5 ойи давомида ИПКнинг 154-моддаси 1-қисмига асосан 522 та даъво аризасини иш юритишига қабул қилиш рад этилганлиги ва ИПКнинг 155-моддасига асосан 2460 та даъво аризалари судлар томонидан қайтарилганлигини таъкидлади. Шунингдек, А.Шукуруллаев Олий суд томонидан иқтисодий судлар судьялари учун амалиётни бир хилда қўллаш борасида амалий қўлланмалар тайёрланганлиги, Олий суд Пленуми белгиланган тартибда пленум қарорларида тушуниришлар бериш юзасидан ишлар амалга оширилиётганлигини айтиб ўтди.

Судьялар олий мактаби томонидан илк бор ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини ҳамда мамлакатда малакали ва етук судлар корпусини шакллантиришга қаратилган видеоконференцалоқа ўкув машғулоти қизғин баҳс мунозараларга бой бўлди. Машғулот якунида судьялар томонидан иқтисодий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигининг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Судьялар ва судлар аппарати ходимларини онлайн ҳамда масофавий ўқитиш бўйича хориж тажрибаси қандай? Ўқитишнинг бу тизими қандай ижобий самара беради?

Судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлашга ихтисослашган мактаб, марказ ва академиялар (давлатларнинг ҳуқуқ тизимиidan келиб чиқсан ҳолда) жаҳоннинг деярли барча давлатларида мавжуд бўлиб, илгор ривожланган Европа ҳамда Осиёning кўргина давлатларида судлар ва суд аппарати ходимларини онлайн ва масофавий ўқитиш амалиёти кенг тарқалган.



Хусусан, АҚШ Миллий судлов коллежида ҳар йили 10000 га яқин, шундан 5000 дан ортиқ АҚШлик ҳамда 5000 га яқин чет давлатларнинг судьялари онлайн тарзда малака оширади. Ўқитишнинг бу турини эътиборли ва аҳамиятли жиҳати шундаки, бевосита судьялар ёки суд аппарати ходимлари ўзларининг амалиётida учраб турган у ёки бу масаладаги очимини топа олмаётган муаммоли вазиятга шу соҳанинг мутахассиси ёки тажрибали амалиётчи судьяси томонидан онлайн машғулот тарзида ўқитилиши орқали судьялар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллаштириши натижасида ойдинлик киритади.

Судьяларни ўқитиша Канадада асосан қисқа курслар ташкил этилган. Ушбу курсларда иштирок этувчи судьялар ўзлари мавзуларни эрkin танлайдилар, шунингдек бугунги кунда судьяларни онлайн ҳамда масофовий ўқитиш методларидан фойдаланиш ўйлуга қўйилган бўлиб, ушбу методларни янада такомиллаштириш жараёнлари кетмоқда.

Судьяларни ўқитишнинг бу янгича усули келажакда Президентимиз айтган “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик устувор бўлиши шарт”, деган шиорга асосланиб фикрлайдиган ва ишлайдиган судьялар корпуси шаклланишига хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атабаева К. Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзаликлари // Молодой ученик. — 2017. — №24.1. — С. 5-7. — URL <https://moluch.ru/archive/158/44573/>

2. Соҳибов Б.А. Сурхондарё вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти таркибидаги Масофадан ўқитишни худудий мувоффиклаштириш маркази координатори. “Масофавий таълим шаклидаги малака ошириш тизими – ўқитишнинг замонавий усули” // Замонавий таълим / Современное образование 2014, 9

3. Joseph Sawyer. Director Online Learning & Faculty Development at NJC/ USA. 2019 йил 18 марта. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида “Масофавий ўқитиш” мавзусидаги давра сұхбатидаги нұтқи.



ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ СОДАЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК(МИ?)

Маъруф ТАЖИБАЕВ,
Судьялар олий мактаби
“Фуқаролик ҳукуқи”
кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг талаблари-га асосан судлар барча учун мажбурий тусга эга бўлган қарорлар қабул қиласди. Мазкур қарорлар фақат амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига тўла риоя қилган ҳолда қабул қилиниши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига багишланган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва вижданан адо этса, шундагина одамларимизда ҳар қандай ҳолатда ҳам адолат қарор топишига бўлган ишонч янада мустаҳкамланишини таъкидлаган эдилар. Шунингдек, инсон қадр-қимматини эъзозлаш, адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш учун муносиб топилган номзодларни камидан бир йил ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимга тайинлаш тизимини жорий этиш мақсадида Судьялар олий мактабини ташкил этишни таклиф қилгандилар.

Мазкур маросимдан ҳеч қанча вақт ўтмасдан айтилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан мамлакатимизда судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш учун масъул бўлган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси – Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Олий мактабнинг суд соҳасига етук, билимли кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан бир қаторда, судьялар

томонидан суд ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан бўлган билимларини кучайтиришга ҳам жиддий эътибор бериш белгиланган. Хусусан, қабул қилинаётган ҳал қилув қарори амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ асосланган бўлиши билан бир қаторда, лўнда, қисқа, тарафлар учун тушунарли ва тўлиқ қайси қонун нормаларига асосланганлиги кўрсатилган бўлиши шартdir.

Тажрибадан кўринишича, фуқаролик ишлари бўйича суд муҳокамаларида иштирокчи бўлиб қатнашган шахсларнинг деярли 70 фоиздан ортиги қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажримларнинг фақат хulosा қисмини ўқиши билан қифояланади, 50 фоизи эса суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмини ўқиди. Лекин, мазкур шахсларнинг 95 фоизи суднинг ҳал қилув қароридан рози бўлса-бўлмаса суд муҳокамасида юритилган баённома билан танишмайдилар ва унга тегишли фикри билдирамайдилар.

Судьялар томонидан амалда бир неча кунлаб ёзилаётган З бетдан то 15 бетгача бўлган ҳал қилув қарорининг тўлиқ матни билан жуда камдан кам шахс танишиб чиқмоқда, уларнинг ҳам аксарияти адвокатлардир.

Табиий савол туғилади, нега суд қарорлари ўқилмайди? Тарафларга суд қарорининг кириш, баён ва асослантирувчи қисми қизиқарли бўлмаганлиги учунми ёки ҳукуқий билими етарли бўлмаганлиги учунми? Ёки ҳал қилув қарорининг кириш қисмидаги қайси суд томонидан кўрилгани-ю, судьянинг кимлиги, қайси қонун нормаларига асосан хulosага келганлигини билиш

етарлими? Агар шундай бўладиган бўлса, унда қарорлар қандай ёзилиши керак?

Бундан кўриниб турибдики, низолашаётган тарафларга суднинг ҳал қилув қарори қандай кўринишда ёзилиши керак, унинг матнини тузишда асосан нималарга эътибор бериш керак деган савол барчамизни ўйлантириши табиий.

2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 23-боб, 253-моддасининг 1-кисмига мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хulosса қисмларидан иборат бўлиши кўрсатилган.

Мазкур ҳал қилув қарорининг кириш қисмida иш рақами, қабул қилинган вақти ва жойи, суднинг номи, судьянинг исм-шариfi, суд мажлисининг котиби, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар; қарорнинг баён қисмida даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътиrozлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг туширишлари акс эттирилиши; қарорнинг асослантируvчи қисmida iшnинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, iш ҳолатлари тўғрисидаги хulosалари асосланган далиллар, суднинг у ёки бу далилларни рад қилганик ҳақидаги хulosalari, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳукуқ нормалари кўrсатилиши; хulosса қисmida эса, суднинг арз қилинган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қisman қanoatlanтириш тўғрисидаги ёхуд қanoatlanтиришни rad этиш ҳақидаги хulosasi бўлиши, суд харажатларини таксимлаш, шикоят қилиш мuddati ва тартиbi kўrсатiladi.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суднинг ҳал қилув қарорлари биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинса-да, лекин ҳал қилув қарорига nisbatan keltirilgan shikояtlar асосида ҳал қилув қарори қонунийлигини ўрганаётган апелляция ва кассация инстанцияларининг, шунингдек Олий суд фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ажримлари ҳам юқорида қайд этилган 4 қисмдан иборат тузилиш тартиbiga riоя қилади. Мазкур инстанцияларнинг қарорларига асосан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинадиган бўлса, янги ҳал қилув қарори, агар ўзgartiriш ва кўшимчалар киритиладиган бўлса, суднинг хulosса қисmiga киритилиши belgilab kўyilgan.

Биринчи инстанция суднинг қарорлари – бу фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш натижасида умумий юрисдикция судлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ёзма шакlda



чиқариладиган ва ижро этилиши мажбурий бўлган процессуал ҳужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги "Суднинг ҳал қилув қарорлари ҳақида"ги Қарорида таъкидланишича, суднинг ҳал қилув қарори низолашаётган тарафнинг шахсий ҳукуқлари ва қонун билан ҳимояланаётган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим акти хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳукуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳукуқ соҳасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳукуқий ҳужжат хисобланади. Чунки, мазкур Фармонда судья ва суд ходимларини ижтимоий-иктисодий шароитларини яхшилаш билан бир қаторда, суднинг чинакам мустақиллигига эришиш, суд фаолиятини, хусусан қарорлар қабул қилиш шаффофлигини таъминлаш, шунингдек одил судловга бўлган фуқароларнинг ишончини юксалтиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шулардан бири – судьялар томонидан қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этишdir.

Бу билан судьялар зиммасига ҳал қилув қарорларини расмийлаштириш бўйича жуда катта масъулият юкланди, чунки судья томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хulosса қисмини суд мажлиси якунида суд муҳокамаси тарафларига ва иштирокчиларига ўқиб эшиттириш шартлиги билан бирга, судья низо юзасидан амалдаги қайси қонун ва қонуности ҳужжатлар ва тараflar



келтирган далил ва ҳужжатларга асосланиб хulosага келганилигини тушунтириши лозим бўлади.

Албатта, бу масъулиятни тўғри ва белгиланган вақтда бажариш учун эса судья ишни кўришда ва хulosага келишда тарафларнинг келтирган важларига ва агар суд мухокамасига мутахассислар жалб этилган бўлса, уларнинг фикрларига амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ҳукуқий баҳо бериши шарт бўлади. Юқорида қайд этилган Фармон талабидан келиб чиқиб, муқаддам амалиётда учраганидек, судьяларнинг низо юзасидан хulosани эълон қилгандан кейингина қайси қонун ҳужжатларига асосланишини ўйлаб қолишлари ёхуд ҳал қилув қарорини умуман бирор-бир қонун, қонуности ҳужжатларига

асосланмаган ҳолда, факат тарафларнинг суд мажлисида келтирган важларига таяниб расмийлаштириши, хulosага келишига чек қўйилди.

Устоз ҳукуқшунос Убайдулла Мингбоев ўз чиқишиларида доимо судьялар ҳал қилув қарорларини иложи борича ихчамроқ ёзиш кераклигини таъкидлайди. Юқоридаги ҳолатни инобатга оладиган бўлсак, бу таклифда жон бор.

Шуни инобатга олган ҳолда, қуйида келтираётган мисолларимиз орқали ҳам бу талабларнинг нечоғли ўринли эканлигини кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, айрим ҳал қилув қарорларига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳал қилув қарорининг баён қисмida даъвогарнинг даъво матнини тўлиқ бериш билан бирга, “суд мажлисида даъвогар” деб яна шу даъво матни тўлиқ ҳолича қайта ёзилади.

Мисол келтирадиган бўлсак, К. туманларо судининг ҳал қилув қарорининг баён қисмida, “даъвогар В. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар С. билан машина бозорида танишганлигини...баён қилиб, унга тегишли бўлган мулкни жавобгардан олиб беришни сўраган.

Даъвогар В. суд мажлисида даъвосини кўллаб-қувватлаб, жавобгар С. билан машина бозорида танишганлиги ҳақида тушунтириш бериб, унга тегишли бўлган мулкни жавобгардан олиб беришни сўраган”.

Бундан кўриниб турибдики, судья даъвогарни даъво аризасини тўлиқ, кейин яна суд мажлисида айнан даъво аризасида кўрсатиб ўтган важларини қайта ёзиб, ҳал қилув қарорининг сунъий чўзилишига йўл қўйган, ундан кўра, “даъвогар В. судга тақдим этган даъво аризасида ва суд мажлисида берган тушунтиришида...” деб ёзиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо қилиши, одатларнинг энг мақбули ва чиройлиги эса гуноҳлардан, одатларга озор беришидан тийилиш экан...

**Шайх Нажмиддин
КУБРО**

Амалдаги процессуал қонун нормалариға асосан ишда иштирок этувчи шахслар деб, тарафлар, учинчى шахслар, уларнинг вакиллари, ариза берувчилар ва судда кўрилаётган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бошқа манфаатдор шахслар, прокурор, ишда бошқа шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан кўрикландиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар тан олинади.

Мазкур Фармон талабларига кўра, судья суд процесси иштирокчилариға ҳал қилув қарорини мазмун-моҳиятини тушунтиришда судья (судлов ҳайъати) томонидан кўрилаётган иш мазмунан кўриб якунланиб, ҳал қилув қарорини тик турган ҳолда эълон қилинганидан кейин процесс иштирокчиларини ўтишни таклиф этади ва ҳал қилув қарорини қандай қонун ва қонун ости ҳужжатларга таянган ҳолда чиқарганлигини, шунингдек ҳал қилув қарорига нисбатан шикоят келтириш тартибини тушунтиради. Мазкур ҳаракатлар албатта, суд баённомасида акс эттирилиши шарт.

Фуқаролик процессуал кодексининг талабларига кўра, ҳар бир суд мажлиси тўғрисида, шунингдек суд мажлиси залидан ташқарида қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилиши, баённомада суд муҳокамасининг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши, хусусан ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари тўлик кўрсатилиши билан, суд ва суд мажлисини олиб борган судья ҳақидаги маълумотлар ҳам баённомада ўз аксини топади.

Мақоламизнинг дастлабки қисмида судья (судлов ҳайъати) томонидан эълон

қилинган қарорларини суд иштирокчилари томонидан қанча фоизи суд қарори билан тўлиқ танишиши ва қанча фоизи фақат суд қарорининг хулоса қисми билан танишиш билан кифояланишини келтирган эдик.

Агар, суд иштирокчилари суднинг ҳал қилув қарорини тўлиқ ўқимаслигига ҳамда ҳал қилув қарорининг кириш қисми ва баён қисмларини суд мажлиси баённомасида тўлиқ қайд этилишини эътиборга оладиган бўлсак, ҳал қилув қарорининг баён қисмини соддалаштириш мақсадга мувофиқ-ми, деган фикрнинг долзарблиги сезилади.

Тушунарли бўлиши учун туман суди суд мажлиси баённомасида суд мажлиси котиби томонидан ёзилган даъвогарнинг тушунтиришига эътибор қаратсак: “Даъвогар В.А. суд мажлисида жавобгар С.М. билан 2015 йил ноябр ойида қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмушларининг дастлабки йилларида бир-бiri билан ўзаро муносабатлари яхши бўлганлигини, лекин биринчи фарзандлари қиз тугилганидан кейин уни хурмат қилмай қўйганлигини, ҳаттоқи кўл кўтарадиган одат ҳам чиқарганлигини, оиласини ва фарзандларини ўйлаб никоҳдан ажратиш ҳақида мурожаат қилмаганлигини, лекин сабр косаси тугаганлигини, энди жавобгар билан бир оила бўлиб яшаб бўлмаслигини билдириб, никоҳдан ажратишни сўраган”. Агар судья томонидан ёзилган ҳал қилув қарорининг баён қисмидаги даъвогарнинг тушунтирига эътибор берадиган бўлсак, айнан суд мажлиси баённомасида қайд этилган тушунтириш ўз аксини топган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳал қилув қарорининг баён қисмida даъвогарнинг тушунтиришини бериш шарт эмас.





**Музаффар
МАМАСИДДИКОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
Академиясининг
марказ бошлиги, юридик
фенлар доктори, профес-
сор, адлия маслаҳатчиси

МЕҲНАТГА ОИД НИЗОЛАРДА ИСБОТЛАШ ВОСИТАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

*Фуқаролик процессуал ва меҳнат қонунчилигидаги ўзга-
ришлар ҳамда ушбу тоифадаги низоли ишларни ҳал этиш
тартибининг тақомиллашуви, ўз навбатида мазкур ишлар-
ни судлар томонидан кўриб ҳал этилиши борасида бир қа-
тор ўрганилиши лозим бўлган масалаларни юзага келтир-
моқда. Хусусан, ушбу тоифадаги ишларни ҳал этиш бўйича
низоли юридик фактларнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслиги-
ни исботлаш борасида янгича нуқтаи назарни шаклланти-
риши шулар жумласидандир.*

Суд амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатади, меҳнат низолари умумий кўрилган ишларнинг сони бўйича юқори кўрсаткини ташкил этмоқда. Айниқса, улар ичida ходимга нисбатан етказилган маънавий зарарни ундириш масаласи алоҳида ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз қонунчилигига маънавий зарар жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азоблардан иборат эканлиги белгиланган (ФКнинг 1022-моддаси). Шу муносабат билан амалиётда ходим меҳнат ҳукуклари бузилган тақдирда меҳнатга оид талаблар билан биргаликда ўзига нисбатан етказилган маънавий зарарни ундириш талабини ҳам илгари суриш ҳолатлари кўплаб учрайди. Бироқ мазкур талабларнинг аксариятида даъвогар етказилган маънавий зарарнинг хусусияти ва даражасига эътибор бермайди ҳамда маънавий зарарни қоплаш учун талаб қилинаётган суммани етарлича асослантира олмайди. Бу эса ўз навбатида амалиётда судлар томонидан белгиланадиган тўлов баҳоси камайтирилишига ёки аксинча, кўпайтириб ҳисобланниши каби оқибатларга олиб келади. Мазкур ҳолатнинг юз беришида судларни айблаш ёки бу ҳолни суд амалиётида йўл кўйилаётган нуқсон сифатида баҳолаш нотўғри бўлади. Унинг асосий сабаби аслида даъвогарнинг маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талабининг асосини нотўғри тушуниши ёки умуман билмаслиги, шунингдек, ўз талабларини исботлаш учун қандай воситалардан ва қай тартибда фойдаланиш қоидаларини билмаслигидadir. Таъкидлаш жоизки, ушбу тоифадаги ишлар бўйича

судга оид далиллар нафакат даъвогар, балки жа-
вобарнинг ҳам ҳукукларини ҳимоя қилиш воситаси
сифатида мухим аҳамият касб этади.

Меҳнатга оид низоли ишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатади, ходим ўзига нисбатан маънавий зарар етказилганлигини тасдиқловчи далилларни камдан-кам ҳолларда тақдим этади. Аксарият ҳолларда маънавий зарар учун тўлов миқдори бир вақтда ходим томонидан илгари сурилган бошқа даъво талабларини қаноатлантириш натижаси ўлароқ белгиланади. Бу эса мазкур институтнинг айнан исботлаш нуқтаи назаридан назарий жиҳатдан етарлича тадқик этилмаганлигини кўрсатди. Умуман, фуқаролик процессуал қонунчилиқда ҳам исботлаш масаласига янгича ёндашув ва қонунчиликда муқаддам ишлатилмаган исботлаш воситаларини назарда тутиш долзарб ҳисобланади. Қолаверса, ФКнинг 1022-моддаси иккинчи қисмида белгиланган зарар миқдорини аниқлашда оқилоналиқ ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозимлиги ҳақидаги қоида охир-оқибат суд ҳал қилув қарорларининг асослантирувчи қисмининг заиф, суд хуносаларига асос бўлган далилларнинг кўрсатилмаслиги каби ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Суд ҳал қилув қарорларининг асосли ва адолатли бўлиши каби талабларнинг кўпол равишда бузилишига олиб келмоқда. Бу эса маънавий зарар миқдорини аниқлаш масалалари илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини ва мазкур миқдорни белгилаш ме-

ханизмини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади. Маънавий зарарни ундириш турли моддий ҳуқук нормаларида назарда тутилса-да, лекин у даъво шаклида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриб ҳал этилади. Суд муҳокамасининг предмети ҳисобланган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларда исботлаш ва далиллар масаласини ҳал этиш мазкур тоифадаги низоли ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини аниқлашни ва бу борада илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг долзарблигини белгилаб беради.

Мамлакатимизда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари, хусусан, ушбу тоифадаги ишларда исботлаш ва далиллар мавзуси шу кунга қадар тадқиқ этиб ўрганилмаган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда далилларга доир батафсил тушунтиришлар берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Мехнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 18-сонли қарори эса майиб бўлиш ёки соғлиққа етказилган бошқа шикастланиш ёхуд бокувчиси вафот этганлиги натижасида келиб чиқсан зарарларни қоплаш ҳақидаги ишларда иш берувчининг етказилган зарарда айбдорлиги ва жавобгарлигини исботловчи далил сифатида қўйидаги ҳужжатлар ишга кўшилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилади:

- ➡ ишлаб чиқаришда содир бўлган баҳтисиз ҳодиса ҳақида далолатнома, суд ҳукми ва қарори, прокуратура, суроштирув ва дастлабки тергов органининг қарори, меҳнат-техника инспекторининг ёки меҳнатни муҳофаза қилиши ва меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини, саломатликка етказилган зарар сабабларини назорат қилишини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар (органлар)нинг хulosasi;
- ➡ касб касаллиги тўғрисида тиббий хулоса;
- ➡ айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор;
- ➡ меҳнат жароҳати туфайли ходимга вақтинча меҳнат лаёқатини ўйқотгандаги учун нафақа тўлови билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш учун иш берувчи томонидан давлат ижтимоий сувурта бюджетига пул ўтказиш тўғрисидаги касаба уюшма қўмитасининг, туман (шаҳар) солиқ инспекцияларининг қарорлари¹.



Кўриб турганимиздек, Пленум қарорида ҳам маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда айнан қайси далиллар ишга кўшилиши ҳақида тушунтириш берилмаган. Буларнинг барчаси, меҳнатга оид низоли ишлар бўйича маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаблар юзасидан исботлаш предметини аниқлаш, исботлаш воситаларини белгилаш масалаларини тадқиқ этишининг нақадар долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Юридик адабиётларда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича исботлаш предметига даъво талабига ҳамда мазкур талабга нисбатан билдирилган эътиrozларга асос бўладиган моддий ҳуқук нормасида белгиланган ва кўлланилиши лозим бўлган юридик фактлар кўшилади деган нуқтаи назарлар илгари суриласди (А.Ф.Клейнман, С.В.Курылев ва бошқалар)². Шунга ўхшаш фикр В.В.Ярков томонидан ҳам билдирилади. Унинг фикрича, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича исботлаш предмети даъво ва унга бўлган эътиrozнинг асоси, шунингдек моддий ҳуқук нормаси асосида шаклланади³.

Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларда исботлаш предмети бўлиб ўзида маънавий зарар тўлови миқдорини, айб даражаси ва жавобгар ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг ҳуқуққа хилоф эканлигини, даъвогарнинг жисмоний ва маънавий азобининг даражасини, унинг нималарда ифодаланишини акс эттирадиган мураккаб юридик таркиб ҳисобланади⁴. В.В.Ярков ва И.В.Решетниковаларнинг фикрича, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича исботлаш предметига қўйидаги юридик фактлар киради:

➡ даъвогарга жисмоний ва маънавий азоб етказиша жавобгарнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) сабаб бўлганлиги, у нималарда ифодаланиши, қачон содир этилганлиги;

➡ жавобгарнинг мазкур ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан даъвогарнинг қандай

шахсий номулкий хукуклари бузилганлиги ва қандай номоддий неъмат (бойлик)ларга тажовуз қилинганилиги;

➡ даъвогарнинг жисмоний ва маънавий азоблари нималарда ифодаланганлиги;

➡ зарар етказувчининг айб даражаси;

➡ тўлов миқдори⁶.

М.А.Степанов ва А.М.Эрделевскийнинг фикрича, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳам исботлаш предмети бўлиши лозим⁶.

Шу ўринда айрим олимлар жавобгарнинг хукуққа хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қачон содир этилганлигини исботлаш предметига киритмайди. Масалан, Е.В.Козыреванинг фикрича, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича исботлаш предмети бўлиб, ўзида маънавий зарар учун тўлов миқдори, жавобгарнинг айб даражаси ва унинг хукуққа хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги), жавобгарнинг жисмоний ва руҳий азоблари ва уларнинг нималарда ифода этишини ўзида мужассам этувчи мураккаб юридик таркиб ҳисобланади⁷. Ваҳоланки, агар маънавий зарар етказилган зарарни қоплашни назарда тутган қонун кучга киргунга қадар етказилган бўлса, шунингдек даъвогар бундай қонун кучга киргандан кейин ҳам маънавий ва жисмоний азобни ҳис қилаётган бўлса ҳам даъвогарнинг бу ҳақдаги талаби қаноатлантиришга тегишли эмас, чунки зарар етказилган вақтда жавобгарликнинг бу тури белгиланмаган бўлган ва умумий қоидага кўра содир қилинган вақтда амалда бўлган қонунда белгиланган хилоф ҳаракатга нисбатан жавобгарликни кучайтирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин эмас⁸.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2000 йил 28 апрелдаги карорининг 1-бандига кўра, суд жабрланувчига жисмоний ва маънавий азоблар етказилгани факти нима билан тасдиқланиши, у қандай ҳолатларда ва қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан етказилганлиги, зарар етказувчининг айб даражаси, жабрланувчи қандай маънавий ва жисмоний азоблар тортгани, уни қоплашни қандай миқдорда баҳолаши ва низони ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаши зарурлиги тўғрисида тушунтириш берилади⁹.

Мехнатга оид етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларда бир даъво аризасида ўзаро боғлиқ бўлган бир неча моддий-хукукий талабларнинг мавжудлиги характерлидир. Адабиётларда ҳам маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб етказилган зарарни ундириш ҳақидаги бошқа талаб билан бирга юрадиган талаб ҳисобланиши юзасидан фикрлар билди-

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Усмон ЛАТИПОВ,
Қарши туманлараро
иқтисодий суди судьяси**

Ўқув курсларидаги дарс мавзулари жуда тартиб билан ва фаолиятимизда учраб турадиган ҳар қандай муаммоли вазиятлардан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилганлиги мақсадга мувофиқ бўлди. Яна бир натижани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, амалиётимизда пайдо бўллаётган муаммоли вазиятларни бошқа вилоятлар ва шаҳар, туман судларидаги амалий таҳлиллар билан солиштириб, уларнинг тажрибалари билан ҳам ўртоқлашдик. Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш Марказида дарслар кўпроқ назария билан чегараланаради. Судъялар олий мактабидаги дарслар кўпроқ амалиёт билан боғланганлиги ва эркин савол-жавоблар, баҳс, мунозаралар билан ўтаётганлиги билан фарқланмоқда.

Тингловчиларнинг гурухларга бўлинганилиги ҳам дарсларнинг қизиқарли ўтишига сабаб бўлмоқда. Баҳс, мунозара ва тортишувларга бой бўлган бу каби ўқув курслари албатта, судъяларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қиласди. Шу сабаб ҳам ўқув курсларида таҳсил олаётган ҳамкасбларимиз ўзларини қизиқтирган барча саволларини, муаммоли вазиятларни очик-ойдин ўртага ташлаб, масаланинг ечимини ҳар томонлама таҳлил этишга уринишиди. Таҳлиллар, ечимлар, муаммоли вазиятлар – буларнинг ҳаммаси тингловчи объективида қатъий муҳрланади ва албатта, келгусидаги фаолияти давомида қўл келади.

Шу ўринда менинг ҳам бир таклифим – вилоятлардан, умуман ўқув курсига чақирилаётган тингловчиларга ташкил этилиши керак бўлган дарсларнинг тематикаси юборилиб, олдиндан таништирилса, тингловчи ўз амалиётидаги мавзуларга доир суд ишларидан нусха олиб келиб, музокаралар ташкил этиши, ўзларини қўйнаётган оғрикли саволларига жавоб топишлари янада осонроқ бўларди.




Латипов Усмон
Яхшибоевич

Қарши туманлараро иқтисодий суди

рилади. И.В.Решетникова маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб қайси асосий талаб билан арз қилинаётган бўлса, ўша талабни тасдиқловчи далиллар билан тасдиқланиши мумкинлиги ҳақида ўз фикрини билдиради¹⁰. Худди шунга ўхшаш нуқтаи назар бошқа бир гуруҳ олимлар томонидан ҳам билдирилган. Уларнинг фикрича, маънавий (номулкий) зарар қандайдир бошқа бир ҳуқуқий муносабатнинг йўлдоши ҳисобланганлиги боис, унинг содир этилганлик факти исботланиши талаб этилмайди ва ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатнинг исботланишининг ўзи маънавий зарар етказилганлигини билдиради¹¹. Лекин мазкур нуқтаи назар билан тўлиқ келишиб бўлмайди. Чунки, ФПКнинг 57-моддасига мувофиқ, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътиrozлалига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларда даъвогарнинг маънавий (номулкий) зарар етказилганлиги фактини исботлашдан озод этилиши юқоридаги нормага мувофиқ келмайди. Ундан ташқари, ходимнинг асосий даъво талаби, яъни масалан, иш берувчи томонидан ходимнинг соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш, иш берувчи томонидан ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақани тўлаш ва қўшимча ҳаражатларни қоплаш, боқувчиси вафот этганилиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақани тўлаш ва етказилган зарарни қоплаш, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан зарарни қоплаш миқдорини кўпайтириш, жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказилганлиги оқибатида берилган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, иш ҳақидаги йўқотишни тўлиқ қопламаган ёки унга бундай нафақа тўланмаган ҳолларда етказилган зарарни қоплаш, соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан ходимга, боқувчиси вафот этганилиги муносабати билан эса, унинг оила аъзоларига етказилган зарарни ундириш, корхона зиммасига Н-1 шаклидаги далолатномани тўлдириш мажбуриятини юклаш каби даъво талабларини асослашга хизмат қилувчи исботлаш воситалари ходим талаб қилаётган маънавий зарарни ундириш учун асос бўлавермаслигини суд амалиёти ҳам тасдиқлади.

Қолаверса, суд амалиётида, масалан, ходимга жавобгардан бир йўла бериладиган нафақа ва ҳар ойда бериладиган тўловлар учун тегишли сумма ундириб берилса-да, лекин маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талаблари асослантирилмаганлиги боис, унинг мазкур талабини қаноатлантириш тўлиқ рад этилганлиги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шундай қилиб, меҳнат низолари бўйича ходим илгари сураётган ҳар бир талабда исботлаш



предметини алоҳида-алоҳида аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Зоро, бу судлар томонидан исботлаш предметини аниқлаш борасида турли хато ва камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олади. В.В.Ярков ҳам маънавий зарар учун тўлов ундиришнинг барча ҳолатларига мувофиқ келадиган идеал даражадаги исботлаш предмети мавжуд эмаслигини таъкидлаб, ҳар бир муайян иш бўйича исботлаш предмети ўзгариши ёки унга қўшимча қилиниши мумкинлигини билдириган¹². Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича ФПКнинг 71-моддасида назарда тутилган барча исботлаш воситалари (тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ҳамда улар қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хуносалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари)дан фойдаланиш мумкин. Лекин бошқа туркумдаги низоли ишлардан фарқли равишда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича ашёвий далилларга камроқ мурожаат қилинади. Ҳолбуки, маънавий зарар учун тўлов суммасини белгилашда ходимнинг шахсий хусусиятлари ва унинг ишchanлик обрўсини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам айрим муаллифлар ходимнинг руҳий ҳолатини аниқлаш мақсадида суд-руҳий экспертизасини тайинлаш мақсадга мувофиқ деган фикри ҳам илгари сурадилар¹³. Е.В.Козыреванинг фикрича мазкур ишларда бошқа далилларга нисбатан устун аҳамиятга эга бўлган далиллар сифатида тарафларнинг тушунтиришлари, ёзма далиллар ва эксперт хуносаси эътироф этилади¹⁴.

Дарҳақиқат, суд амалиёти шундан далолат берадики, мазкур ишларда маънавий зарарни асослашга хизмат қиладиган қўйидаги ёзма далилларга кўпроқ мурожаат этилмоқда: вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, ходим соғлиғининг ёмонлашганлиги муносабати билан шифокор қабулида бўлганлигини тасдиқловчи маълумномалар, ТМЭК хуносаси, тиббий-ижтимоий

экспертиза хulosалари, тез тиббий ёрдам марказига мурожаат қилинганда чақиравни рўйхатга олуви читобдан кўчирма, касаллик тарихи, товар чеки, касса чеки, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома ва бошқалар.

Маънавий зарар учун тўлов ундириш жараёнида жабрланувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг жисмоний ва маънавий азобларининг даражасини суд томонидан белгиланиши алоҳида аҳамият касб этиши муносабати билан ишда тарафларнинг тушунтиришларига кўпроқ мурожаат қилинади. Айнан даъвогарнинг тушунтиришлари орқали суд унинг азобланиш даражаси ҳақида маълумотларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам маънавий зарар учун тўлов миқдорини аниқлаш мезонлари ичida юридик адабиётларда таъкидланганидек, “азобнинг чин юракдан эканлиги”¹⁵ ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Шахснинг руҳий ҳолати, унинг таъсиранлиги ва бошқа хулқ-атвори, табиатига ойдинлик киритиш орқали даъвогарнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларни аниқлаш имкони яратилади. Мазкур маълумотлар ўз навбатида жавобгарнинг хатти-ҳаракатларига даъвогар томонидан тўғри баҳо берилаётганлиги ҳақида суд хulosалари базасини шакллантиришга замин яратади. Аксарият даъвогарларнинг бу борада даъволарининг ўринли эканлигига шубҳа билдирамаган ҳолда, биз айрим ҳолларда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабни илгари сурʼётган даъвогарлар ҳақиқатан жисмоний ва маънавий азоб чекмаса-да, лекин асл мақсади пул ундириш эканлигини ҳам истисно эта олмаймиз. Мазкур шахслар даромад олиш мақсадида хукук нормасидан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар. Юқоридаги ҳолатларни аниқлаш эса маънавий зарар учун тўлов миқдорини белгиловчи суд ҳал қилув қарорларининг чиқарилишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу ҳақда Ўзбекис-

тон Республикаси Олий суди суд амалиётини умумлаштириш, натижаси бўйича тегишли қарорларда қўшимча тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар учун маҳсус текширув орқали иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш характерли эканлигини эътироф этган ҳолда даъвогарнинг руҳий ҳолати, унинг таъсиранлиги ва бошқа хулқ-атвори, табиатига ойдинлик киритиш орқали даъвогарнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларни аниқлаш мақсадида ишларда суд-психологик экспертизаси хulosаларига эҳтиёж тугилади. Е.В.Козырева экспертизани маҳсус текшириш эканлигини ҳамда уни суд амалиётида юзага келадиган алоҳида ҳолатларни аниқлаш учун ўтказилишини назарда тутиб, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича экспертизанинг куйидаги икки воситасидан фойдаланиш ҳақидаги М.А.Степановнинг фикрини қўллаб-қувватлади: 1) маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича суд томонидан тайинланган экспертиза хulosalariдан; 2) аввал кўрилган фуқаролик ёки жиноят ишида ўтказилган экспертиза хulosalariдан¹⁶.

Юридик адабиётларда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича суд-руҳий экспертизаси билан бирга суд-тиббий, суд-психиатрик, товаршунослик, технологик, лингвистик, экологик, хатшунослик ва маънавий зарарни ундириш масаласини тўғри ҳал этиш учун суд томонидан эксперт олдига қўйилган вазифани амалга ошириш учун лозим бўлган экспертизанинг яна бошқа турларидан фойдаланиш мумкинлиги таъкидланади¹⁷. Лекин маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларни ўз вақтида, тўғри кўриш ва ҳал этилишида суд-руҳий экспертиза муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Суд-руҳий экспертизаси шахснинг руҳий ҳолати, унинг таъсиранлиги ва бошқа хулқ-атвори, табиатига ойдинлик киритиш орқали даъвогарнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларни аниқлашга ёрдам беради. Бу эса суд ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлашда муҳим омил бўлиб, хизмат қиласидилар. Шу ўринда суд-руҳий экспертизасини ўтказишнинг муҳимлиги куйидагилар билан изоҳланади:

- экспертиза хulosalari судларга даъвогар шахсининг ўзига хос бўлган жисмоний ва руҳий ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса унга нисбатан етказилган жисмоний ва маънавий азобни объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади;

- “шахсий хусусият” психология соҳасига оид бўлган атама ҳисобланаб, ўз навбатида, мазкур хусусият ушибу соҳада тегишли билим



ва тажрибага эга бўлган шахслар томонидангина аниқланиши мумкин.

Лекин дъзвогар экспертизада иштирок этишдан бош тортиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолатда дъзвогарнинг жисмоний ва маънавий азобланганилиги ҳақидаги факт суд томонидан исботланмаган деб топилиши мумкинми деган табиий савол туғилади. Бу борада юридик адабиётларда турли нуқтаи назарлар илгари сурилади. Масалан, М.К.Треушников фуқаролик процессуал қонунчиликда тарафлар экспертизада иштирок этишдан бош тортса ва уларнинг иштирокисиз экспертизани ўтказишнинг иложи бўлмаса, суд қайси тараф экспертизадан бош тортаётганилиги қараб эксперт тушунтириб бериш керак бўлган фактни аниқланган деб топиши ёки уни рад этишга ҳақли бўлиши тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилганилигини ва бу норма далилларни беркитиш ва исботлашдан бўйин товлаш каби ҳолатларга қарши курашнинг муҳим воситаси эканлигини таъкидлайди¹⁸.

Бошқа бир гурух олимлар эса ушбу фикр билан келишмайдилар. Ҳусусан, Т.В.Сахнованинг фикрича, мазкур ҳолатда фуқаролик процессининг умумий мақсад ва услубларига, яъни шахс ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва процесснинг эркин ҳукуқлилик тамойилига амал қилиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам юзага келган вазиятда устуворлик, сўзсиз, шахс ҳукуқларини ҳимоя қилишга берилиши лозим¹⁹. В.Н.Решетникова ҳам мазкур фикрга қўшилган ҳолда ушбу ҳолатда жараёнга мутахассис сифатида психологни жалб қилиш лозимлигини таъкидлайди²⁰. Е.В.Веретенникова ҳам маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича эксперт сифатида психологнинг жалб этилиши қўшимча вақт ва харажат талаб этса-да, лекин мазкур иш юзасидан эришиладиган мақсад сарф қилинган харажатларни қоплаб кетишини таъкидлайди²¹.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига тараф экспертизада иштирок этишдан бош тортган, эксперталрга текшириш учун зарур бўлган материаллар ҳамда ҳужжатларни тақдим этмаганда ва бошқа ҳолларда, агар иш ҳолатларига кўра ва мазкур тарафнинг иштирокисиз экспертиза ўтказиш имконияти бўлмаса, суд қайси тараф экспертизадан бош тортаётганилигидан, шунингдек бу тараф учун экспертиза қандай аҳамиятга эга эканлигига қараб, аниқланиши учун экспертиза тайинланган фактни аниқланган ёки рад этилган деб топиши мумкинлиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилган (ФПКнинг 95-моддаси).

Бироқ мазкур ҳолатда фуқаролик процессининг умумий мақсад ва услубларига, яъни шахс ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва процесснинг эркин ҳукуқлилик тамойилига амал қилиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам юзага келган вазиятда устуворлик сўзсиз шахс ҳукуқларини ҳимоя қилишга

берилиши лозим ва ушбу жараёнга мутахассис сифатида психологни жалб этиш ва унинг фикрларини инобатга олган ҳолда фуқаролик ишини ҳал қилиш лозим бўлади. Тўғри, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича эксперт сифатида психологнинг жалб этилиши қўшимча вақт ва харажат талаб этса-да, лекин мазкур иш юзасидан эришиладиган мақсад сарф қилинган харажатларни қоплаб кетади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг 2003 йил 19 декабрдаги "Мехнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 18-сонли қарори // <http://lex.uz/docs/1454007>
2. Қаранг: Козырева Е.В. Процессуальные особенности рассмотрения судами гражданских дел о компенсации морального вреда. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Саратов, 2003. -17 с.
3. Гражданское судопроизводство: особенности рассмотрения отдельных категорий дел: Учебно-практическое пособие/ Отв. ред. В.В. Ярков. – М.: Юристъ, 2001. – 381 с.
4. Қаранг: Козырева Е.В. Ўша асар. -17 б.
5. Гражданское судопроизводство: особенности рассмотрения отдельных категорий дел: Учебно-практическое пособие/ Отв. ред. В.В. Ярков. – М.: Юристъ, 2001. – 381 с.; Решетникова И.В. Справочник по доказыванию в гражданском судопроизводстве. 4-е изд. Под редакцией доктора юридических наук, профессора И.В. Решетниковой. –М.: НОРМА, 2008. –С. 130-138.
6. Степанов М.А. Предмет доказывания по гражданским делам о компенсации морального вреда. // Закон и право. 2000. № 12, -35 с.; Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда в России и за рубежом. -М: 1997. – 177 с.
7. Қаранг: Козырева Е.В. Ўша асар. - 24 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонуларни кўллашнинг айrim масалалари тўғрисида"ги 2000 й. 28 апрелдаги 7-сонли қарори // <http://lex.uz/docs/1449509>.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонуларни кўллашнинг айrim масалалари тўғрисида"ги 2000 й. 28 апрелдаги қарори. –Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 2001.
10. Қаранг: Решетникова И.В. Ўша асар. – Б. 130-138.
11. Анисимов А.А. Честь, достоинство, деловая репутация: гражданско-правовая защита. 1994. - 57 с.; Эрделевский А. Ответственность за причинение морального вреда // Российская юстиция. 1994. №7.
12. Гражданское судопроизводство: особенности рассмотрения отдельных категорий дел: Учебно-практическое пособие/ Отв. ред. В.В. Ярков. – М.: Юристъ, 2001. – 381 с.
13. Соломенка Е.А. Особенности рассмотрения судами дел о компенсации морального вреда. // Российский судья. 2000, №4, -С. 31-36; Степанов М.А. Предмет доказывания по гражданским делам о компенсации морального вреда // Закон и право. 2000, №12, -С. 31-36; Избиенова Т.А., Проблемы компенсации морального вреда в сфере трудовых правоотношений // Российский судья. 2001. №4. –С. 27-30.
14. Қаранг: Козырева Е.В. Ўша асар. - 24 с.
15. Беляцкин С.А. Возмещение морального (неимущественного) вреда. -М., 1996. -67 с.
16. Қаранг: Степанов М.А. Доказывание по гражданским делам о компенсации морального вреда. -Тверь: ТвГУ. 2002. -С. 89 - 90.
17. Қаранг: Козырева Е.В. Ўша асар. -20 с.
18. Треушников М.К. Судебные доказательства. -М.: Городец, 2004. – 65 с.
19. Сахнова Т.В. Основы судебно-психологической экспертизы по гражданским делам: Учеб. пособие. -М., 1997. - 42 с.
20. Решетникова И.В. Ўша асар. – Б. 130-138.
21. Веретенникова Е.В. Использование психологической экспертизы при решении вопроса о компенсации морального вреда, причиненного гражданину в результате преступных деяний // Академический юридический журнал. 2002 г. № 2 (8) (апрель - июнь). -38 с.

**Ирода КУРБАНОВА**

Зангиота туманлараро иқтисодий суди
судъяси

МЕДИАЦИЯ: НИЗОГА ЎРИН ЙЎҚ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг босқичма-босқич ислоҳ этилиши, суд орқали ҳимояланиш кафолатларининг кучайтирилиши ва улардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида фуқаро ва ташкилотларнинг судларга мурожаатлари сони ортиб бормоқда. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман), шаҳар судларида кўрилган ишлар 2016 йилда 275 399 тани ташкил этган бўлса, иқтисодий судларда ушбу кўрсаткич 336 185 тани ташкил этган.

Бутун дунёда фуқаролар ва ташкилотлар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни ағзал кўрадилар. Бирок, низоларни суд орқали ҳал қилиш — муайян харажат ва муддатларни талаб қиласидиган жараён. Қолаверса, судларга мурожаатларнинг ортиб бориши судьялар иш юкламасининг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир. Судьялар иш ҳажмининг кўпайиб бориши эса қабул қилинадиган қарорлар сифатига салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Судьяларнинг иш ҳажмини камайтириш орқали судлов самарадорлиги ва сифатини оширишнинг мухим усусларидан бири – фуқаролик-ҳуқуқий низоларни судга қадар ҳал этишининг муқобил усусларини

ривожлантиришdir. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”нинг 79-бандида судгача фуқаролик ва хўжалик низоларини ҳал этишининг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгиловчи «Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгилангани бежиз эмас.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал этиш механизмини белгиловчи медиация, яъни маҳсус воситачи – медиатор иштирокида низолашувчи тарафларни суддан ташқари тартибда яраштириш усуслари ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида узоқ йиллардан бери қўлланиб келинади. Бу борада хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳакида тўхталишдан аввал, низодаги тарафларни яраштиришга қаратилган миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз, мамлакатимиз худудида муқаддам амалда бўлган тартиб-таомиллар тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Маълумки, мамлакатимизда қадимдан тарафлар ўртасида юзага келган турли ке-



лишмовчилик ва низоларни ўзаро муроса йўли билан ҳал этишга эътибор бериб келинган. Муқаддам келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий турларидан бири воситачилик (медиация) ҳисобланган.

Медиациянинг мақсади – низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг холислиги, маҳфийлик кабилар киради. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқдир.

Медиация тушунчасига тўхталашибган бўлсак, у лотинча “mediare” сўзидан олинган бўлиб, “воситачилик қилиш” деган маънени англатади. Шу сабабли ҳалқаро муомалада медиация “воситачилик”, “яраштириш мақсадида аралашув” маъноларида кўлланади ва юридик адабиётларда медиация ва воситачилик тушунчалари бир хил маънога эга. 2018 йил 3 июлда “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди. “Медиация тўғрисида”ги мазкур Конун Конунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июняда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 28 июняда маъқулланган бўлиб, у 4 боб, 34 моддадан иборат. Ўз ичига умумий қоидаларни, медиация иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, медиацияни кўллаш ва медиация тартиб-тамоилини амалга ошириш ҳамда якунловчи қоидаларни олган.

Конуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек, якка меҳнат низоларига ва оиласий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга, медиация кўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар конунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Конуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида низоларни тартибга сошлишинг мұқобил усулларини ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишдан, Ўзбекистон Республикасининг суд тизимиға тушадиган босимни камайтиришдан иборат.

Конун фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда келиб чиқадиган низоларга, шунингдек якка меҳнат низоларига ва оиласий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга, медиацияни кўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Конун жамоат манбаатларига ҳамда медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуйй манбаатларига дахл қиласиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундан ташқари, конун билан медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмаслиги белгиланган.

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Маҳмуд ҚОЗОКОВ,
Урганч туманлараро
иқтисодий суди судьи



**Қазаков Махмуд
Баҳодирович**
Урганч туманлараро иқтисодий суди

Менимча бу курснинг муддатини янада узайтириш керак, икки ҳафта камлик қилгандек бўлди, гўё. Чунки, амалиётларга иштирокимиз ва машгулот соатлари янада кўпроқ ўтказилса яхшироқ бўлар эди. Тингловчиларни қизқитирган саволлар жуда кўп. Кейинги машгулотларга ҳамкасларимиз таъкидлаганларидек, олдинроқ огоҳлантирилсак, ва бироз тайёргарлик билан келсак, янада яхши бўларди. Ҳақиқатан ҳам амалиётда учрайдиган муаммоли саволларимиз ва вазиятлардан нусха олиб келиб, гурух мухокамасига ташлаш керак. Ана шунда устозлар ва ҳамкаслар билан биргаликда уларга ечим топиш усуллари ҳақидаги маълумотларга кўпроқ эга бўлар эдик. Машгулотларнинг амалиёт билан боғликлиги, эркин мулокотнинг мавжудлигидан хурсандмиз, албатта,

Шу билан бирга, дарс машгулотларига кўпроқ ер муносабатлари, солиқ, банк қонунчилиги тўғрисидаги мавзуларнинг киритилишини ҳам таклиф этардим. Биз тингловчилар, яъни ёш судьялар учун булар ҳам фаолиятимизда кўллашмиз учун жуда керак бўладиган амалиётлар ҳисобланади.

Профессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти ҳақ әвазига ёки текин амалга оширилиши мүмкін. Нопрофессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти текин амалга оширилади.

Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд хужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага киргунига қадар, ҳакамлик судида кўриш жараёнида қўлланилиши ҳам мүмкін.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиқсан низо хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади. Суд муҳокамаси жараёнида, низони ваколатли давлат органида кўриш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли давлат органининг иш юритувида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади. Низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим.

Медиация институти бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Гонконг, Корея Республикаси, Хиндистонда ташкил этилган ва мұваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Демак, медиация – келиб чиқсан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усулига эга.

Медиатор – медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс ҳисобланади. Медиатив келишув – медиацияни қўллаш натижасида медиация тарафлари томонидан эришилган келишувдир. Медиация тартиб-тамоилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув бу тарафларнинг тузилган пайтдан эътиборан медиация тартиб-тамоили амалга ошириладиган келишув каби тушунчани ифодалайди.

Қонуннинг асосий принциплари – медиация маҳфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳукуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади.

Медиация суддан ташқари тартибда, баҳс-мунозарани суд тартибида кўриб чиқиш жараёнида, суднинг қарор чиқариш учун зални тарк этишидан олдин, агар гап Ҳакамлик суди ҳақида кетаётган бўлса, шакл худди шундай бўлади. Медиацияда иштирок этиш факти айбга иқрор бўлишнинг исботи ҳисобланмайди.

Медиация тарафлари ўз ўрталарида тузилган медиатив келишувни ушбу келишувда назарда тутилган тартибда ва муддатларда бажариши шарт. Медиациянинг ижобий ва салбий томонлари: Жараён – мутлақо ихтиёрий ва келишув асосида. Сиз ўзингиз истаган натижага суд оворагарчиликларисиз эришишингиз мүмкін. Мазкур технология деярли салбий жиҳатга эга эмас.

Медиация тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари ҳам мазкур қонун билан белгилаб қўйилган.

“Медиация” тўғрисидаги ушбу Қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.



ТАРСАКИ



Бир олим шогирдига ўн йил таълим бериб тарбия қилди. Ўқиши муддати тугагач, олим шогирдига қараб: «Эртага яхши кийиниб, вакътироқ ҳузуримга келинг. Сизга берадиган ҳадям бор» деди.

Эртасига ҳалиги шогирд айтилган вақтда чироили либосларда устозининг ҳузурига келди. Устози унга «Олимлик муборак бўлсин!» дега тўн кийдириб, фотиха берди. Яна қўлига китоб ва бироз пул ҳам тутқазди. Сўнгра шогирдининг юзига тарсаки тушириди.


Бу ҳолатдан шогирднинг жаҳли чиқиб «Нега мени урасиз? Тўн кийдириб, дуо қилиб бу урганингиз нимаси?» дега газабланди. Устоз эса ҳеч нарса демади.

Орадан 20 йил ўтиб, бу шогирд шаҳарнинг бош қозиси бўлди. Кунлардан бир кун устоз ҳол-аҳвол сўраб, ҳабар олгани ҳалиги шогирдининг олдига

келди. Шогирд устозини қутиб олиб, салом-алик қилди. Устоз эътибор бериб шогирдининг ҳаракатларини кузатиб турди. Шогирд гарчи сухбатлашиб турса-да, ҳеч очилиб, яйраб ўтирмасди. Бироз вақтдан сўнг устоз кетар чогида шогирд охири дилидагини тилига чиқарди:

– Устоз, ўшандা, сиз билан хайрлашаётганимда нега мени урдингиз? Мен нима айб қилгандим?

– Тўн кийдирганим эсингдан чиқдими? Китоб, пул берганимчи? Битта шапалоқни 20 йилдан бўён унумтабсан-да? Мана, қози бўлдинг. Сен ҳам ҳукм чиқаришида зулм қилма. Сен мени оддий шапалогимни 20 йил дилингда сақлабсан, сенинг зулм қилиб чиқарган ҳукмингни ўша одам ўлгунича дилида сақлаб, қарғаб ўтади. Мен кун келиб сени мана шундай мартабага кўтарилишингни билардим. Бу ишни сенга ибрат бўлиши учун қилгандим, – деда жавоб берди устоз.



ОМОН ОҚЮЛОВ,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
юрист, юридик
фанилар доктори,
ТДҶОУ “Фуқаролик
ҳуқуқи” кафедраси
профессори

АЛИМЕНТ МУНОСАБАТЛАРИДА ШАХСНИНГ МУЛКИЙ АҲВОЛИ

Конституция ўз ҳуқуқий табиати ва мақомига кўра ҳар қайси давлатда олий юридик кучга эга бош қонун сифатида эътироф этилади.

Нега деганда, Конституциянинг устуворлиги, унинг сўзсиз амал қилиши нафақат ижтимоий ҳаётимизда, қонун ижодкорлиги жараёнида, балки унинг тўғридан-тўғри ҳуқуқ амалиётида қўлланилиши билан ҳам аҳамиятли ва муҳимдир.

АННОТАЦИЯ

Алимент муносабатларида судлар томонидан шахснинг мулкий аҳволини аниқлаш масалалари.

Калит сўзлар: алимент муносабатлари, шахснинг мулкий ҳолати, жисмоний шахсларнинг даромад манбалари, хуфёна иқтисодиёт, истеъмол минимуми, ҳашаматли ҳаёт тарзи, кам таъминланган оила.

Ушибу илмий мақолада алимент муносабатларида тарафлар мулкий аҳволини аниқлаш зарурати ва аҳамияти, бунда суд эътиборга оладиган фактик ҳолатлар таҳлил этилади. Легал секторда, хуфёна иқтисодиётда меҳнат қипаётгандар ва меҳнат мигрантлари мулкий аҳволининг хусусиятларига алоҳида диққат қаратилади. Судларга бундай тоифадаги ишларни кўришда масалага формал ва юзаки ёндашмасдан, тўёри ва эрги далиллар асосида алимент муносабатларида тараф бўлиб ҳисобланган шахсларнинг амалий моддий ҳаёт тарзи аниқланиши тавсия этилади.

АННОТАЦИЯ

Вопросы определения судами имущественного положения лиц по алиментным отношениям.

Ключевые слова: алиментные отношения, имущественное положение, источник доходов физических лиц, теневая экономика, потребительский минимум, роскошный образ жизни, малообеспеченная семья.

В данной научной статье анализируется необходимость и значимость определения имущественного положения сторон при алиментных отношениях и фактические обстоятельства, которые учитываются судами. Акцентируется внимание на особенности имущественного положения лиц, работающих в легальном секторе, теневой экономике и трудовых мигрантов. Предлагается судам не относится к этой проблеме формально и поверхностно, изучить на основе прямых и косвенных доказательств фактический материальный образ жизни лиц, являющиеся сторонами по алиментными отношениям.

ANNOTATION

The issues of determining the property status of the parties in the alimony relations by the courts.

Keywords: alimony relations, property status, sources of income of individuals, the shadow economy, living wage, a luxurious lifestyle, low-income family.

This article analyzes the need and significance of determining the property status of the parties in a alimony relationship, as well as the actual circumstances that the court takes into account. Particular attention is paid to the peculiarities of the property status of persons working in the legal sector, the shadow economy and labor migrants. The courts are invited not to deal with this problem formally and superficially, but to study them based on direct and indirect evidence of the actual material state of parties to the alimony relationship.

Ҳар бир шахсни тавсифловчи маълумотлар тизимида унинг мулкий ахволи тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг мулкий ахволи тўғрисидаги маълумотлар ҳуқуқнинг турли соҳаларида, шу жумладан, фуқаролик муомаласи ва оилавий муносабатлар учун юридик факт ҳисобланади. Яъни, ушбу маълумотлар асосида шахснинг ўзи, учинчى шахслар, ваколатли давлат идоралари ва суд муайян юридик аҳамиятга эга бўлган харакатлар содир этиши, қарорлар қабул қилиши ва унинг натижасида тегишли ҳуқуқий оқибатлар вужудга келиши мумкин.

Муайян ҳолатларда шахснинг мулкий ҳолати тўғрисидаги маълумот хусусий ҳаёт сирлари, тижорат сирлари ва ошкор этилмайдиган бошқа ахборот режимига мансуб бўлиши мумкин. Шахснинг мулкий ахволи тўғрисидаги маълумотларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 июлдаги ЎРҚ-547-сонли "Шахс тўғрисидаги маълумотлар тўғрисидаги" Қонуни жорий этилади. Фуқаролик муомаласининг айрим ҳолатларида шахс ўзининг мулкий ҳолати, даромадлари тўғрисидаги маълумотларини бошқа тегишли манфаатдор шахсларга тақдим этиши шарт ҳисобланади. Масалан, мажбурият муносабатида кафил бўлмоқчи бўлган шахс учинчى шахснинг кредиторига ўзининг мулкий ҳолати тўғрисида тўлиқ ахборот берishi лозим. Кредитор ушбу ахборот асосида кафиллик шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Шахснинг мулкий ахволи тўғрисидаги маълумотлар оилавий муносабатларда, хусусан алимент муносабатлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам Оила Кодексининг 104-моддасида шахснинг мулкий ахволини тавсифловчи асосий маълумот манбаи, яъни алимент ундириша ҳисобга олинадиган даромадлар тўғрисида норма мавжуд. Оила Кодексининг 105, 119, 129, 141, 146-моддаларида шахснинг мулкий (моддий) ахволи алимент муносабатларини вужудга келтиришга, миқдорини белгилашга, камайтириш, кўпайтириш ва ҳатто озод қилиш масалаларини ҳал қилишда ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган.

Амстердам университетининг профессори М.В. Антокольская таъкидлашича, бугунги кунда алимент муносабатларида бутун дунё бўйича камбағаллар (моддий ночорлар) дан алимент ундирилиши масаласи ҳам суд қарорини чиқаришда, ҳам қарор ижросини таъминлашда, ҳам қарорни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқишда энг муаммоли ҳолатлардан бири бўлиб ҳисобланади¹.

Алимент муносабатларида судлар учун аниқланиши муҳим бўлган ҳолатлардан



бири – зиммасига алимент мажбурияти юклатиладиган шахснинг мулкий ахволи ва алимент таъминоти белгиланадиган шахснинг мулкий ҳолатини аниқлаш, уларни қиёслаш ҳисобланади. Оила Кодексининг 104-моддасида алимент Ўзбекистон Республикаси худудида ёки унинг ташқарисида пул ёки натура шаклидаги барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади деб кўрсатилган. Шахснинг даромадлар манбаи Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексида батафсил санаб ўтилган. Солик Кодексининг 30-бобида (171-178-моддалар) жисмоний шахсларнинг жами даромад таркиби белгилаб қўйилган. Шахснинг мулкий ҳолатини белгилашда биринчи галда ушбу даромад манбалари ва уларнинг мавжудлигини аниқлаш масалаларига суд алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Шахснинг мулкий ахволини белгилашда ҳисобга олинадиган яна бир ҳолат – унинг муайян мол-мulk обьектлари мулкдори эканлиги тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш ҳисобланади. Муайян турдаги мол-мulkларга нисбатан ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиши белгилаб қўйилган. Жумладан, кўчмас мулкларга (уylар, квартиralар, боғлар, корхоналар ва автотранспорт воситалари) нисбатан ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилади. Кўчмас мулк обьектлари давлат кадастри хизмати томонидан рўйхатдан ўтказилади. Автотранспорт воситалари ҳам Ўзбекистон Ички ишлар вазирилиги Йўл ҳаракати хавфлизиги бошқармаси томонидан маҳсус рўйхатга олинади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик кенг ривожланмоқда, аҳолининг муайян қисми тадбиркор сифатида фаолият олиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолияти якка тадбиркор сифатида ёхуд тижорат юридик шахсларида муассислик, иштирокчилик асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда фуқаро турли тижорат юридик шахслари – масъулияти чекланган жамият, оилавий корхона, хусусий корхонада

муассис, иштирокчи, акциядорлик жамиятларида акционер бўлиши, яъни тижорат юридик шахслар устав фондларини шаклантиришда иштирок этган бўлиши мумкин. Албатта, тижорат юридик шахсларининг устав фондидағи фуқароларнинг иштироки юридик табиати бўйича мулк ҳукуки эмас, балки, талаб қилиш ҳукуки ҳисобланади. У иштирокчи сифатида тижорат юридик шахс даромадлари ҳисобидан дивидентлар олишга ҳақли. Дивидентлар даромад манбай бўлиб ҳисобланади.

Амалиётда зиммасига алимент тўлаш мажбурияти юкланиши мумкин бўлган шахснинг мулкий аҳволини тавсифлашда унинг натура тарзида оладиган даромадларини аниқлаш лозим бўлади. Натура тарзидағи даромадлар бир марталик, мавсумий ва гохида доимий характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, боф-томорқа хўжалигининг мавжудлиги, муайян фаолиятдан натура шаклида улуш олиш ва шу кабилар. Натура шаклидаги даромадлардан ташқари бир марталик пул даромадлари ҳам мавжуд. Масалан, чорва молларини сотишдан тушадиган даромадлар, томорқа маҳсулотларини сотишдан тушадиган даромадлар, кўчмас мулк ёки автотранспорт воситаларини сотишдан тушадиган даромадлар бўлиши мумкин. Суд амалиётида ушбу даромадларга ҳар доим ҳам етарли даражада аҳамият берилавермайди. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, хорижий мамлакатларда коллектор хизмати ва хусусий детектив хизмати кенг йўлга кўйилган. Улар тегишли шахсларнинг мулкий

аҳволи ва даромад манбалари тўғрисида маълумот тўплаш тўғрисида хусусий буюртма олгандан кейин ўз вазифаларини сидқидилдан ва ташабbus кўрсатиб бажарадилар. Кўп ҳолларда улар ҳукукий майдонда харат қилганлари сабабли суд жараёнида улар тақдим этган материаллар юридик далил сифатида судлар томонидан тан олинади.

Шахснинг мулкий аҳволини аниқлашда ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан муайян оиланинг кам таъминланган оила сифатида эътироф этилганлиги, уларга тегишли нафақа тайинланганлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Тегишли ҳолларда судлар тарафларнинг мулкий ҳолатини таққослагандан олинган даромадларни истеъмол минимуми ва истеъмол савати бўйича ҳам таҳлил қилиши адолатли ҳал қиув қарори чиқариш имконини беради.

Фуқаронинг мулкий аҳволини белгилашда унинг тижорат банклари хисоб варакларида омонатлари мавжудлигига ҳам аҳамият қаратиш лозим. Юкоридаги даромадлар манбалари ҳақидаги маълумотлар расмий манбалар орқали олиниши мумкин ва у бевосита тўғридан-тўғри далил сифатида баҳоланади. Бироқ бугунги кунда ҳамма ҳам реал легал иқтисодиётда фаолият юритаётгани йўқ. Аҳолининг муайян қисми меҳнат мигранти сифатида хорижий давлатларда меҳнат қиласланганлиги, қолган қисми эса мамлакат ичида ҳуфёна (яширин) иқтисодиётда банд эканлигини давлат идоралари ҳам эътироф этмоқдалар. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, 7 миллион 963 минг киши норасмий секторда, 5 миллион 412 минг киши расмий секторда, 2 миллион 365 минг киши хорижий мамлакатларда меҳнат қилмоқда². Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли 13,6 миллион бўлиб, шундан унинг фақат 40 фоизигина расмий легал иш ўринларига эга. Ҳуфёна (яширин) иқтисодиётнинг криминал билан боғлиқ сегменти ва криминал билан боғлиқ бўлмаган сегменти мавжуд. Криминал билан боғлиқ сегмент (гийёхванд моддалари савдоси, фохишибозлик, одам савдоси ва шу кабилар) жиноий қилмишлари учун таъқиб қилинади. Лекин криминал билан боғлиқ бўлмаган сегмент гарчи ҳукуқбузарлик бўлиб ҳисобланса ҳам ваколатли давлат идоралари зиммасига уларни легаллаштириш мажбурияти юклатилган. Бироқ, барibir аҳолининг катта қисми алимент муносабатларида потенциал алимент тўловчи сифатида яширин иқтисодиётда ишлаётганлиги сабабли суд унинг даромадларини белги-

Инсон ўзига-ўзи бўйсунини ва ўз қарорларига итоат қилишини ўрганмоги лозим.

ЦИЦЕРОН

* * *

**—Дарз кетган ойнадан
қараётган одамга дунё пар-
чалангандек туюлади.**

ЭМИЛ КРОТКИЙ

ловчи расмий манбаларга эга эмас. Одатда у ишсиз ҳисобланади. Оила Кодексининг 140-моддаси 2-қисмига кўра агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс шу даврда ишлаган бўлса ёки унинг иш хақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи хужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда алимент Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртacha ойлик иш хақи миқдоридан ҳисоблаб чиқлади. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, суд қонун доирасида зиммасига алимент тўлаш мажбурияти юкланиши мумкин бўлган шахснинг мулкий ахволини ўрганишга ва ҳатто тегишли маълумотларни талаб қилиб олишга ҳақли. Норасмий сектор ўз номи билан норасмий. Хужжат тақдим эта олмайди. Фақат гувоҳ кўрсатувларидангина фойдаланиш мумкин. Ҳатто алимент бўйича қарор чиқарилганда ҳам ижроси муаммо. Бироқ, мажбурий ижро бюроси директори ўринбосари С.Бердиалиевнинг маълумотига кўра, эндиликда МИБ болалар учун алиментларни нафақат ота-онадан, балки у Ўзбекистондан чиқиб кетган бўлса, унинг қариндошларидан ундириш чораларини кўрмоқда³.

Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, алимент тўловчининг бошқа қариндошларидан (ота-онаси, ака-сингилларидан) унинг алимент қарзи бўйича ундириш амалга оширилгани тўғрисидаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида кейинги пайтларда учраб турибди⁴. Бироқ бундай ундириув ҳукукий асосдан кўра, кўпроқ ахлоқий асосга эга ва ихтиёрийлик асосида амалга оширилади ва ҳадя, хайр-эҳсон кўринишида юридик баҳо берилади.

